

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# Оила ва жамият



## ҲАВАСДАН УНГАН ЧИНОРЛАР

кувонч кўриб, ўзим ҳам суюнганман. Уйга келганимизда нималарнидир уйлаб, сўнг хотиржамлик билан:

- Армияда хизмат қилиш ҳам, милицияда ишлаш ҳам қаҳрамонлик мактаби, - дедилар. Муддат етгач, армияда хизмат

Ҳасан Ибрагимов полковник (пенсияда), Хусен Ибрагимов ҳуқуқшунос, Комил Ибрагимов Қоровулбозор тумани ИИБ бошлиғи, полковник, Шомил Ибрагимов майор (хизмат вазифаси-



Қоровулбозор тумани ИИБ бошлиғи, полковник Комил Ибрагимов билан суҳбатлашарканмиз, у кишининг оилада ота-онанинг ўрни, касб-кори, ўзини тutiши ҳақидаги ибратли мисоллари диққатимни тортди:

- У пайтлар (60-65-йилларда) биз болалар унвон нима, мансаб нима - билмасдик. Биз учун бир нарса аниқ, бир нарса муҳим: у ҳам бўлса, раҳматлик отамиз Мирбафо Ибрагимовнинг милицияда ишлаши эди. Тезроқ мактабни тугатсам-у, армияга кетсам, ўқисам, отамга ўхшаб милицияда ишласам. Бу, менинг бирдан-бир орзуим, мақсадим эди. Акаларим Мустафо, Ҳасанлар аллақачон мен орзу қилган йўлни босиб ўтиб, бири Олий милиция мактабига ўқишга, бири милицияга ишга кирган эди. Ўрта мактабни тугатдим-у "Мени армияга олинглар", деб хат ёздим. Ҳарбий комиссияда отам иккимизни чақирганида аҳдим қатъийлигимга ишонинди.

Ўшанда отамнинг кўзларида

қилдим. Ўқидим. Бугун қарабсизки, раҳматлик отам айтган қаҳрамонлик мактабининг ўқувчиси - ички ишлар ходимиман...

Милиция майори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирбафо ота Ибрагимов ҳаёт бўлганларида бугун нафақат ўғиллари, балки неваралари, кувёлари, жиянлари ҳам унинг йўлидан бориб машаққатли, аммо фахрли касбини давом эттираётганидан хурсанд бўлардилар. Мирбафо Ибрагимов узоқ йиллар вилоят ИИБда, Ёшдувон, Олот, Вобкент, Томди туманларида ИИБ раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Қаерда ишламасин, камтарлик, ғайрат ва интизом, тўғри сўзга таянди.

- Оилада олти ўғил, бир қизми, - дейди отанинг учинчи ўғли, истеъфодаги полковник Ҳасан Ибрагимов. Синглимиздан бўлак ҳаммамиз ота изидан бордик. Синглим Ҳосиятнинг икки ўғли Баҳодир, Зокиржон ҳам милицияда ишлашни ҳавас қилиб, шу касбни танлашди...

Мирбафо отанинг олти ўғлини унвонлари билан айтганидан бўлса: Тўнғич ўғил Мустафо Ибрагимов майор (пенсияда),

ни ўтаётганда ҳалок бўлган), Шокир Ибрагимов майор.

- Ёлғизгина ўғлим бор, исмиларини Мирбафо қўйганмиз, - дейди Комил Ибрагимов. - Отам кўп гапирмас, бировга ҳадеб даки ҳам беравермас эдилар. Аммо биз олти ўғил ҳар биримиз ўз юмушимиз, вазифаларимизни отамнинг кўзларидан ўқиб олардик.

Комил ака учинчи синфни тугатган ўғли Мирбафога "сиз" деб мурожаат этганида, дастлаб ажабланган эдим. Ўғилга отанинг номини бериш катта масъулият юклайди. Биринчидан, ота номи берилган ўғилга "сен", деб мурожаат қилинмайди, иккинчидан, унинг барча шўхликларига тоқат қилиб, тўғри йўлга йўналтири билиш керак. Охир-оқибатда бобосининг исмини олган бола ҳаётда ҳар томонлама тўқис бўлиши керак. Бухорода шундай бир хонадон борки, бу оилда марҳум милиция майори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирбафо Ибрагимов экан ниҳоллар униб-ўсиб, вояга етган.

**Ражаббой РАУПОВ.**  
Муаллиф олган сурат.



## ҲАРАКАТДА БАРАКА БОР

Қарши шаҳар "Иброҳим ота" гишт ишлаб чиқариш кичик корхонаси раҳбари Дилоромхон Раупова ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳақида шундай ҳикоя қилади:

### Табдиркорлик давр талаби

- Худоба шукр, Дилрабо, Ирода ва Раҳимжон исмли фарзандларим, 6 нафар набирам бор. Болаларим кичиклигида 20 йил боғчада тарбиячи бўлиб ишладим. Шу орада Қарши педагогика институтини тугатдим. Ёшлигимдан бир ишга бел боғладимми, эришмагунимча қўймадим. Раҳматли турмуш ўртоғим Иброҳимжон акам мени яхши тушунарди. У сув ҳўжалиғи бўйича муҳандис эди.

1994 йил табдиркорликка кенг йўл очилган, уйда тикувчилик чежи очиб, ўзим билган тажрибали чеварларни ишга жалб қилдим. 3 та тикув машинам бор эди. Аҳолига зарур бўлган кийим-кечак ва буюмларни тикиб, бозорда сотишни йўлга қўйдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Озроқ маблағ тўпладик. Унинг ёнига Миллий Банкнинг Қарши бўлимидан қўшимча 1 млн. 100 минг сўм қарз олиб, гишт ишлаб чиқарадиган кичик корхона очдим. Бу иш менга она мерос, десам бўлади. Раҳматлик онагиз нам Ойрўза ая гишт заводида бригада бошлиғи бўлганлар. Шу билан бирга тажрибали гишт ишлаб чиқарувчи мутахассислар билан маслаҳатлашдим, иш ўргандим, махсус адабиётларни мутолаа қилдим-мақсадимга эришдим. Россия иш дастгоҳларини сотиб олдим. Қунига 800-1000 тадан гишт ишлаб чиқара бошладик. Гоҳ Навоий вилоятдан келадиган цемент ва шағални кутиб, ярим кечгача

темир йўл вокзалида қолиб кетган пайтларим бўлган. Яқинда Миллий Банкдан яна 3 млн. кредит олиб (олдинги қарзимни муддатдан олдин тўлагандим), Қозикент худудидан ер сотиб олдик. У ерда умр йўлдошимнинг хотираси учун "Иброҳим ота" номида гишт сотуви билан шугулланадиган дўкон қурдираппман.

Битта КамАЗ машинаси сотиб олдим. Буларнинг самараси ўлароқ, бир неча

киши иш билан таъминланди. Вақтида машини олади, рўзгорини тебратди - яхшилик кетидан ютуқ келди-да. Мана ҳозир ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга қанчалар эркинлик, мустақил ишларни учун шарт-шароитлар яратилаётти. Аёл ўзини неларга қодирлигини кўрсатадиган давр келди. Ўз ҳақ-ҳуққини танган аёл хор бўлмайди. Бу ҳақда хотин-қизлар йиғинларида бемалол гапирман, уларни фаолликка чорлайман. Либерал-демократик партиясининг азбосини ман. Англаганим - ҳаракатнинг баракати борлиғи ҳақ. Ҳасаддан бегонаман. Бўш қолдим, дегунча китоб-газеталарни мутолаа қиламан.

Меҳр ва муравват уюшмаси азбосиман. Қўлимдан келганча кам таъминланган оилаларга қарашаман. Солдат йигитларимизга кийим-кечак юбораман. Меҳрибонлик уйи болаларининг қўлларини ҳалолойман. Ҳайит кунлари ва байрамларда маҳалла аҳлига қўлдан келганча ёғ ва озиқ-овқат таркатаман. Юртбошимизнинг: "Савоб ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак", - деган сўзлари доим мени сергаклантириб турди.

**С. ФАҲРИДНОВА**  
ёзиб олди.

## ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ, КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарган йиғилишда - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибиятлари ҳамда комплекс тасарруфигада ташкилотларнинг 2004 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолият натижалари тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури"нинг 2004 йилнинг 9 ойи давомида бажарилиши тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва му-

рувват йили" дастурининг бажарилишининг бориши тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2004 йил 25 майдаги Фармони амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари дастури ҳақида"ги 299-сон қарори бажарилишининг бориши тўғрисида; Ота-онасиз ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар манфаатларини таъминлаш юзасидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида; Ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш аҳоли ҳақидаги масалалар муҳофаза этилди. Утан давр мубайнида оилалар мустаҳкамлиги, соғлом муҳитини барқарор этилиши борасида қатор чора-тадбирлар қўланилди. Оилада тиббий маданиятни ошириш,

аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш борасида муайян натижаларга эришилди. "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда бир қатор ишлар амалга оширилди. Оилавий спортни ривожлантириш мақсадида мусобақалар, спорт марафонлари ўтказилди. Қизларни бадий гимнастика, синхрон сузиш, теннис ва спортнинг бошқа турларига жалб қилиш бўйича ишлар кучайтирилди. Барча хотин-қизлар қўмиталарида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларида Ўзбекистон Президентини фармонида белгилаб берилган йўналишлар асосида Ҳаракат дастурлари қабул қилинди. Йиғилишда республикада ота-онасиз ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар манфаатларини таъминлаш, уларнинг етарли даражада маънавий, ахлоқий, руҳий ва жисмоний камол топиши учун шароитлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Комплекс йиғилишида камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасида чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида "Оила кодекси"нинг 17-моддаси - "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш"нинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси масаласи муҳофаза этилди. Маҳлисида шу масала бўйича Комиссия раиси Шарифа Салимова ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Авдӣёқуллова маърузалари тинланди. Йиғилишда Сурхондарё вилоятида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтишини таъминлашда қатор чора-тадбирлар қўллангани қайд этилди. Аммо бу борада хато ва камчиликлар мавжудлиги ҳам таъкидланди. Йиғилишда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, йигит-қизларни никоҳгача тиббий кўриқдан ўтказишга жиддий эътибор қўнайтирилиши лозимлиги қайд этилди.

Ўз мухбиримиз

**“Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги хақида, ўйлайманки, узок гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ”.** Юртбошимизнинг бу пурмаъно сўзлари замирида аёлни қадрлаш ва улар жамиятнинг асосий кучи эканлиги ўқтирилади. Тўрткўл шаҳар, Беруний маҳалласида фаол хотин-қизлар талайгина. Шулардан бири, етмишни қоралаб қолган Саражон опа. Бировдан маслаҳати, ёрдамини аямайди. Ўғил-қизларни раҳматлик эри Ражаббой ака билан тарбиялаб, вояга етказди. Уйли-жойли, оилалик қилди. Энди набираларни уйлантириш ташвишида юрибди. Саражон опа узок йиллар марказий касалхонада ишлаган. Бу оила

га топширдик. Маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаган Анахон Олоқулова хотин-қизлар кўмитаси раислигига маъқул қўрилди. Кўча-кўйда бекорчи ишлар билан шуғулланиб юрадиган қизларни учратиш қийин. Лекин, бекорчиликдан нима қилишини билмай, карта ўйнаб ёки урушиб юрган йигитчаларни учратиш

чилик цехи очиб, 5-6 қизни иш билан таъминлади. Яна бирови ўғил-қизлари билан теллақ, қалпоқлар тикади. Шарофат Қобулова деган қизимиз ҳам бичиш-тикиш цехини очиб таррадуудда юрибди. Ана шунда чеварликка қизиққан қизлар иш билан таъминланади. Ишқилиб, бизнинг маҳалламизда чет элларга иш излаб кетиб, оиласи сарсон бўлган оилалар йўқ.

## ОЛТМИШ ЙИЛЛИК ДУГОНАЛАР



Суратдаги юзидан нур ёғиб турган бу икки онахонни Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманига хизмат сафарига борганимизда учратдик. “Болаликдан бир-биримиздан узоклашганимиз йўқ. Мактабда синфдош эдик. Дўстлигимиз-дўгоналигимизга 60 йил бўлибди”, дейиши улар. Уларнинг ҳар бирдан ўз ҳаёти хақида гапириб беришларини сўрадик.

**Биргина фарзанд не, балки, миллатнинг келажаги ҳам оналар қўлидадир.**  
Оноре Де Бальзак.

## АЁЛИ КАДР



Маҳаллада оналарнинг руҳий ҳолати, иқтисодий аҳоли ўрганилмоқда. Она тинч - оила тинч, она соғлом бўлса, бола соғлом бўлади, деганларидек оналар соғлиғига ҳам эътибор қаратилмоқда, соғломлаштириш йўллари изланмоқда.

Бир янги гузар куриш режамиз бор. Агар режани амалга оширсак, маҳалла марказида аҳоли учун анча қулайликлар юзага келади, жумладан, оналарни соғломлаштириш

## ТОПГАН ЭЛ

мумкин. Ёзги таътил кунлари Ю.Иброҳимов кўчасида 13-14 ёшлардаги ўсмир болаларни учратиб қолдим. Бўйчанроқ биттаси шергини шунақа қўпол, уятсиз сўзлар билан ҳақоратлар эдики, беихтиёр этинг жунжикиб кетадим. Энг ёмони, жўрасининг онасини сўкарди. Йўлимдан тўхтаб, болани сўроққа тутдим: - Сенинг онанг борми?

бўлими оқсакмикан, деган таклифлар тушаяпти.

Сўкагон бола ўйланиб қолди. Бироз вақт ер чизиб турди-да, ҳеч тап тортмай: “Менинг онам йўқ!” - деди дангал. Уша боланинг қиёфаси анчагача кўз олдимдан кетмади. Балки, она меҳрини сўрганда, оғзи бунчалик шалақ бўлмасмиди? Балки ота-онаси ажралишиб кетган, бола ўғай она қўлидамикан?

Яхши ният ярим давлат, дейдилар. Қолаверса, Беруний маҳалласи-Тўрткўл шаҳридаги кўзга қуриган маҳаллалардан бири. Бу ерда бир ишга қўл бурчи, албатта уни охирига етказмасдан қўймайдиган ишбилармон, тадбиркор аёллар, қизлар бор. Президентимиз И.Каримов “Хотин-қизлар кўмиталарида амалдорлар, бюрократлар эмас, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида хис қиладиган фаоллар иш олиб бориши шарт” - дегандилар. Беруний маҳалласи аёллари хотин-қизларни ихтимойи, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кўтариш учун ҳуқуқатимиз кўрсатаётган гамхўрликлардан руҳланиб яшамоқдалар.

**Беруний маҳалла Фуқаролар йиғини раиси Гулистон Сейитниёзова сўзи:**

Президентимизнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони фаолиятимизга қанот бағишлади. Маҳалламизда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини лицей муаллими Фотима Рўзимова

Кам таъминланган оилаларга эътиборни кучайтираялмиз. Меҳнатдан бўйин товламайдиган аёлларимиз кўп. А.Жабборов кўчасидан Мамат ақанинг аёли Зулайхо Бобожонова нон ёпиб сотади. И.Шарипов кўчасидан Зухра исмли келинчақ пишириқлар, ширин булочка, печеньелар тайёрлайди. “Бог” кўчасидан Гулсара Йўлдошева тикув-

**Сайёра ҲАЙИТОВА - халқ таълими аълочиси:**

Кирқ йил мактабда ишладим. Турмуш ўртоғим, бутун умрини маорифга бахшида этган Ҳамидулла ҳожи билан бир синфда ўқиганмиз, 45 йилдан бери аҳил-иноқ яшаб келаялмиз. Умид билан ўстирган фарзандларимиз ҳаётда ўз ўринларини топиши, баҳоли қудрат эл қорига яраб туришибди. Ҳаммаси олий маълумотли. Иккитаси шифокор-фан номзодлари, бир ўғлимиз сиёсатшунос, икки фарзандимиз журналист, 2 таси ўқитувчиликни танлашган. 15 набирага бобо-буви бўлдик. Келинларим худди қизларимдек меҳрибон. Тенгдошлар билан орамизда меҳр кучли, бир-биримизни ҳамон йўқлаб тураемиз. Эртаю кеч дуодамиз: юртимиз тинч, фарзандларимиз омон бўлишин.

**Мушаррам ШОКИРОВА - методист ўқитувчи:**

Биз-уруш даврининг болалари, кўпчилигимиз олий даргоҳда сиртдан ўқиганмиз. Қорнимиз нонга тўймасди. Лекин яхши ўқишга ҳаракат қилардик. Энди уларнинг ҳаммаси тарих, аллақачон ўтмишга айланиб улгурди. Бугун кун аёлларига ҳавасим келади. Бола тўғилгач, боғча ёшига етгунча ишласангиз фарзанд тарбияси билан шуғулланиши мумкин. Биз бор-йўғи 76 кунда ишга чиқиб кетардик. Лекин тақдиримдан нолимайман. Шогирдларим орасида тарихчилар кўп. Демак, уларда ватанимиз ўтмишига қизиқиш ва ҳавас уйғота олган эканман. Қизим Гулжамол бошланғич синф ўқитувчиси, энг моҳир муаллимлардан.

**Одил НУРМАТОВ**

**“Оила” Кодексининг 23-моддасида** кўрсатилганидек, эр ва хотиннинг никоҳи давомида орттирган мол-мулкларини шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр ва хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкларини агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалликдаги умумий мулки ҳисобланади.

## ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ

зарар етказиш **Ҳуқуқий дарсхона** рўзгор ишларини юрийтиш, боқибилатини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) қиради.

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, кимматли қоғозлар, пайлар, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа ташкилотларга киритилган капиталданги улушлари, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа хар қандай мол-мулкларини, пул маблағлари кимнинг номига-эр ёки хотин томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар, эр-хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳи давомида орттирган мол-мулкларини жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятдан, тадбиркорлик фаолиятдан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммалари, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача

Эр ва хотиндан бири уй-

**“Оила” Кодексининг 24-моддасида** “Эр ва хотиннинг умумий мулкка эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши тасарруф этиши тўғрисида” гап юритилган:

Эр-хотиндан бирининг мулкни тасарруф этиши юзасидан амалга оширган битимга бошқасининг розилиги бўлмаса, суд томонидан ҳақийқат эмас, деб топилиши мумкин. Эр (хотин) ўзининг номига

расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотини (эрининг) нотаerial тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Акс ҳолда эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда, ҳақийқат эмас, деб топиши талаб қилишга ҳақлидир.

**“Оила” Кодексининг 25-моддасида** “Эр ва хотиннинг хар бирининг мулки” га ойдинлик киритилган:

Бунга кўра, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан хар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан хар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий мулки улардан

бирининг меҳнати ҳисобига ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъминлаш, қайта куриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) аниқланса, эр ёки хотиндан хар бирининг мол-мулки уларнинг биргалликдаги мулки, деб топилиши мумкин.

**“Оила” Кодексининг 26-моддасида** “Эр ва хотиннинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари” хақида шундай қоида мавжуд:

Кимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлар бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойфозлар ва бошқалар), гарчи йиллар давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса-да, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг ўз мулки ҳисобланади.

**Р. ХИДИРОВ,**  
Каттакўрғон туманларо фуқаролик ишлари бўйича суд раиси.  
(Давоми бор)

# ОИЛА БАХТИ



**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Яйра САЪДУЛЛАЕВА билан сўхбат**

буюмларини тополмай жаҳландиларми... овозлари баландроқ чиқди. Мен индамадим. Қариндошимиз: "Сенга аччиқ қилсаям индамай тураваркансан-а, гапини қайтариб ташла!" - деди. Мен бўлсам: "Шундоқ инсонга гап қайтариб бўладики, ахир у киши бебаҳо одам", - дедим астагина. Биз кўп йиллар бирга яшаб, ақалли бирор марта бир-бировимизнинг дилимизни огритганимиз йўқ...  
- Ёш оилаларда баъзан ўза-

## ЎЗ ҚЎЛАНГИЗДА

- Яйра опа, сиз кичкинтойларнинг севимли журнали "Гунча"да узоқ вақт бош муҳаррирлик қилган йилларингизда ўнлаб асарлар ҳам ёзгансиз. "Она қалби", "Келинчақ", "Аёл қадри" рисолаларингиз эса асосан оилавий турмуш масалаларини ўз ичига олган. Умуман, чиройли оилани барпо этишда сизнингча нималар муҳим?

- Иллик сўза. Қайноқ меҳр. Кечиримлилик. Оилада соғлом муҳитни сақлаб, уни бардавом этишда бу учови айниқса зарур. Тақдир мени хушфелъ умир йўлдоши билан сийлади. Гарчи, иккимиз ҳам ота-оналаримизнинг раъйига қараб турмуш курган бўлсак-да, доимо бир-биримизни асраб-авайлаб яшадик. Қайнонам Мас-турмухон жуда чақон, меҳрли аёл эдилар. Илк кунданок мени "болам" деб бағрига босган. Қайнонам ҳам очик кўнгил киши бўлганлар. Шундай ажойиб кишиларга муносиб келин бўлишга ҳаракат қилардим. Йиллар ўтиб англаб етдимки, агар аёл истаса, ўз оиласида бахт яратиб ашай оларкан! Бунинг учун аслида кўп нарса керак эмас. Ўзаро хушмуомалалик, бир-бирини тушуниш, сабр ва қаноат бўлса kifoya...

- Умир йўлдошингиз-таниқли философ олим Абдуолим Каримов оилавий юмушларга қандай қарардилар?

- Эсимда, келинчақлик чоғларимда қайнонам қўлимга бир тўрхалтани тутказиб: "Буни ўғлимнинг чўнтагига солиб қўйинг, рўзгорни эсдан чиқармасин", - дедилар. Уша-уша "адамиз" ўзлари бозор қиладиган бўлдилар. Бир марта мен бозорга тушиб уйга майда-чўйда кўтариб келганимда роса хафа бўлганлар. "Аёл киши бозор ораламайди!", - деганлар. Меҳмон келиб қолганида-ку, мени ўтказиб қўйиб, ўзлари палов дамлардилар. Ишонасимиз, она бўлиб бирор марта болаларимга: "Сен дарсингни қилганмисан?" - дегаманман. Кўпгина уйга кеч қайтардим, "Гунча" кичкина журнал бўлгани билан ташвишлари катта эди-да. Остонадан ичкарига киришим биланок айвонда болаларим оталари кўмагида дарс тайёрлаб ўтирганларини қўриб, кўнглим жойига тушарди. Гоҳида ўзаро тортишиб қолсак ҳам, бунга болаларнинг тарбияси билан боғлиқ масалалар сабаб бўларди.

- Каттик гапирганларидан... аразлаб кетмагансиз?

- Йўғ-е, ҳеч қачон! Оданинг дилини огритадиган гап айтмасдилар. Ички зиёлилик бор эди у кишида. Бир кун қариндошларимиздан қайсисидир меҳмон бўлиб келгани, ўшанда зарур

ро тортишувлар, қўйди-қийди билан ниҳоялайди. Баъзида эса оилавий ажралишларга қайноналар сабаб бўлади. Яхши ниятда қурилган оиланинг барбод бўлиши...

- Нақадар аянчли! Шундай кезларда мен: "аёл киши сал мулоҳаза қилса, бироз паст тушса бўлмасмикин-а?" - деган хаёлга бораман. Онам Малика-хон никоҳ кўни менга: "Келиннинг исми-болажон, қайнонанинг исми-ойижон бўлади, буни унутма!" - деганлар. Келин астойдил меҳр-муҳаббат билан "ойижон" деб чақирса, қайнона ҳам бу меҳрни қадрлайди! Фақат, қайнона баланд келганидаям, келин паст турмоқни эсдан чиқармас бўлган. «Муроса» деган сўз бор лутғатимизда. Оилани оила қиладиган, эру хотин, қайнона-келин ўртасидаги жамики муаммони яхши томонга ҳал этишдан мана шу сўз, аслида!

- Сиз ўсиб-улгайган хонадонда иқтидорли актёрлар, маданият ходимлари етишиб чиққанларини биламиз. Улар ҳақда нималар дея оласиз?

- Отанинг акаси Ҳикматилло Қориев, ўқаси Ҳабиб Саъдиевлар театрда ишлашган. Ўртанча ўғил - отам эса оиланинг куйинчаги бўлиб, рўзгор тебратган эканлар. Эндиларда Райрат Убайдуллаев, Хайрулла Саъдиев, Лутфулла Саъдиев, Ёдгор Саъдиевлар бу сулоланинг давомчилари бўлишиб, эл ардоқлаган кишиларга айландилар, катта унвонлар сохиби бўлишди. Бариси оиламизнинг фахри, қувончи...

- Фарзандларингиз қандай касбларни танлашди?

- Уччала фарзандимиз ҳам оилавий сўхбатларимизни эшитиб, ишдаги машаққату ютуқларимизни кўриб-билиб ўсишди. Ижодга меҳрни биздан ўрганишди. Ҳозирда Яшнароҳон, Юлдузхон қизларимиз ва Ҳамзахон ўғлимиз - ҳаммалари ижод кишилари. Бешала набирам эса менинг энг яқин сўхбатдошларим. Уларнинг қизиқ сўзларини эшитсам "Гунча"да ишлаган йилларимни эслайвераман.

- Аёл оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини топиши учун нима қилиши керак?

- Тинмай изланиши зарур! Аёл жамиятга аралашса тафақури янада ўткирлашади, маънавий олами анча кенгайди, шу аснода оиланинг ҳам, жамиятнинг ҳам муаммоларини теран англаб етади.

- Тилақларингиз?

- Юртдошларимизга фақат яшшликни соғинаман. Бир-биримизга меҳр-муҳаббатли бўлишни унутмайлик...

**Гулчехра ЖАМИЛОВА**  
сўхбатлашди.

Инсон борки, оилада туғилади, тарбия топади. Қуш уясида қўрганини қўлганидек бола ҳам оиласида қўрганини қўлади. Агар ота-она ичкилик-боз бўлса, бола ҳам ичкиликка ружў қўяди. Агар ота-она сўкангич, ўзаро жанжалкаш бўлса, биллингки, бола ҳам шундай бўлиб улғаяди. Шундай экан, ота-она ҳар бир қиладиган ишини, гапирадиган гапини ўйлаб қилиши, иззат-хурматли, меҳр-муҳаббатли фарзандларни тарбиялаб етказиши керак. "Фарзанд вафо ҳам, жафо ҳам келтиради", деган халқимиз нақлини ота-оналар асло унутмасликлари керак.

Мен ўқитувчи бўлганлигим учун ҳам кўп оилаларни яхши биламан, улар орасида жафо топаётганларининг эл орасида обрўси кам. Фарзандлари туфайли обрў-эйтиборга сазовор бўлаётганлари, раҳмат эшитаётганлари эса кўпчиликини ташкил этади. Оиламизда онам, мен ва укам бўлиб, отамиз ёшлигимизда оламдан ўтганди. Онамиз ота бўлиб ҳам бизни тарбиялади. Биз аёло баҳолагарга ўқидик. Мен кейинчалик "Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонига, укам эса тиббиёт фанлари доктори, профессор унвонига эришдик.

Умир йўлдошим Ҳафизахон билан 4 ўғил, 4 қизни вояга етказдик. 4 қизим олий маълумотли, иккитаси ўқитувчи, бири дорихуносо, бири эса шифокор, тиббиёт фанлари номзоди. Ўғилларим ҳам ўзлари севган касбларида меҳнат қилишади. Болаларим ҳақида бирор ўқитувчидан, қўшнилاردан шикоят эшитмаганман.

Ҳаммаларининг оилалари тинч, 18 нафар невараларим ота-ониси, бобо-буваларига иззат-хурматли, меҳрли бўлиб улгайишмоқда. Болалар улгайган сари уларга муносабатини ҳам ўзгартириш, уларнинг феъл-атворида мос муомалада бўлиш керак. Ҳатто ўйинчоқ танлашда, туғилган кунларида ҳам унинг қизиқишини ҳисобга олиб, совға танлаш керак.

Ҳар бола бир дунё. Шундай экан унинг ички дунёсини билиш, шунга мос тарбия йўлини аниқлаш зарур. Энг яхши совға - китоб эканлигини ҳар бир ота - унутмаслиги керак. Минг бора афсуски, айни пайтда айрим ота-оналар бунга эътибор бермай қўйишган. Ушундай оилаларда болаларнинг китобга қизиқиши деярли йўқ. Чунки ота-она китоб ўқимаса, бола китобга ҳавасни қимдан ўрганади. Ҳолбуки китоб (бадий эртақ...) бола тарбиясида ижобий рол ўйнайди.

Шу ўринда китобни нашр қилувчи ва реклама билан шугулланувчи мутасадди раҳбарларга мурожаат қилмоқчиман. Болаларни китобга қизиқтириш учун улар арзон нархда чиқариш чора-тадбирларини кўриш лозим. Чунки, айрим оддий эртақ китоблар минг-бир ярим минг сўм турса, уни ҳар ким сотиб ололмайдди. Дарслиқлар, болалар кийимларини ҳам арзонлаштиришни ўйлаб қўрилса яхши бўларди.

Телевидениеда ҳар кун 3-5 дақиқагача 10-15 хил печеньелар мақталади. Болаларимизга маънавий озуқа берадиган китобларни ҳам реклама қилиш эса ҳеч қимнинг эсига келмайди. Қани эди, болалар учун чиқарилган бирор китобни кўрсатишиб, ичидидаги эртақми, ҳикоями, улардан

бир парчаси айтилса, давомини ўзингиз ўқиб оласиз, деб болалар қизиқтирилса?.. Шунда болаларнинг китобга қизиқиши, ота-оналарнинг эса китобга эътибори ошармики?

Айрим нарсаларни болалар билан маслаҳатлашиш ҳам яхшидир. Шунда бола ўйлашни, фикрлашни, шу ҳақда тўғри хулосалар чиқаришни ўрганади. Масалан: ота-оналар боласига: "Ўғлим ёки қизим, бувинг 65 га қираяптилар, нима совға қилсак экан-а?" - деб сўрашса, бола биринчидан, катталар унга маслаҳат солганларидан хурсанд бўлади, фурурланади. Иккинчидан, бувиши яхши қўрган нарсаларни кўз олдидан ўтказиб, ота-онасига айтади. Ота-она била туриб, шу нарсани боладан сўраган бўлса-да, бу унга бошқача таъсир қилади.

Ўзини катта бўлгандек ҳис этади, ўйлаб иш қилади, оилада ўзининг ўрни борлигини сезади.

Айрим оилаларда 18-20 ёшга қирғанда фарзандларини ҳам: "Эй, бу болада ҳали", дегувчи ота-оналар болани ўзидан беэдириб қўяди. Болага ишонши керак. "Боланинг қўлидан нима ҳам келарди?", - деб унинг қўнглини қолдириш яхши эмас. Агар унга ишониб бирор ишни топширилса, камчилиги ётиги билан тушунтирилса, қўнглини кўтаришса, у барча ишга чин дилдан интилади. Ота-онасининг ишончини оқлашга ҳаракат қилади. Бу хилсат катта бўлганда ҳам сақланади, ривожланади. Қадим улугларимиз: "7 ёшгача болага подшога муомала қилгандек, 8-14 ёшларида эса кулга муомала қилгандек, 15 ёшдан кейин эса ўз дўстига муомала қилгандек муомалада бўлинглар", - дейишган. Демак, бола тарбиясида ёшлар хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бола тарбиясини фақат боғчага, мактабга ташлаб қўймаслик, улар билан ҳамкорликда иш кўриш катта натижаларга олиб келади. Қисқаси, юртбошимиз таъкидлаганидек: келажагимиз ёшлар қўлида экан, уларни асраб-авайлаб ўстирайлик, ота-онага, Ватанига хурматли, одобли, хайр-саховатли инсонлар қилиб тарбиялайлик.

Ҳавасвор шоира Шамсия Сохибова айтганидек:

**Дунёга бир марта келди одам,  
Демакки у шундай яшасин хуррам!  
Иқболи баланду, бахт бўлсин ҳамдам,  
Қора кўзларида кўрмайлик ҳеч нам.**

**Дўстлар даврасида ўтсин ҳар кун,  
Яхшилик - умрининг бўлсин мазмуни,  
Ширин фарзандлари шод кўрсин уни,  
Қалби тарқ этмасин ширин орзуни.**

**Вафо зийнатидан топсин у оро,  
Ўзлари эл ичра бўлмасин қаро,  
Аёлдир, эркакдир бу олам аро,  
Ўзлигин тополмай сўлмасин асло.**

Ҳа, шоиранинг бу тилаги ҳаммага, фарзандларимизга ҳам ёр бўлсин, азизлар!

**Марат АХМЕДОВ,  
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон тумани.**

## ИЛМ-МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА

СамДунинг кундузги ўзбек филологияси факультетинда ўқиётган Ҳақим Саидов туман халқ маорифи бўлимидан қўлга тутказилган буйруққа асосан 1948 йилнинг биринчи сентяб-ридан "Арабхона" кишлоғидаги 33-ўрта мактабга директор бўлиб борди. Эндигина 21 ёш оstonасида турган Ҳақим Саидов учун хувиллаб қолган таълим-тарбия масканини тарқ этган ўқувчилар ўрнини тўлдириш, ўқитувчиликка ҳавас-иктидори бор битирувчи синф ўқувчиларини муаллимликка тортиб, уларни олий педагогика билим юртларида сиртдан ўқиши учун



шароит яратиб бериш осон кечмади. Ёш директор ишдан ажралмаган ҳолда ўқишини ҳам давом эттирди.  
Ҳақим Саидов узоқ йиллик са-

марали педагогик меҳнатлари "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. 75 йиллик ҳаётининг 54 йилини мактаб-маорифимиз равнақиға бахшида этган Ҳақим бобо Саидов 52 йиллик садоқатли турмуш йўлдоши Эргашой ая Зарипова билан ҳаёт қувонч-ташвишларини баҳам қўриб, етти нафар фарзандини эл-юрт қорига ярайдиган ўқимишли, комил инсонлар қилиб вояга етказди. Ҳақим бобо Саидов ҳали ҳам тиниб-тинчимайди. Доимо маҳалладошлари ташвиш-қувончи билан яшайди.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,  
Самарқанд вилояти,  
Паст Дарғом тумани.**

# БОЛАНГИЗ АРО ЙЎЛДА

- "Оила ава жамият"га мени онам бошлаб келди, деди Гулнора исми ёшгина жувон. - "Газетага мақола чиқариб, эрингнинг шармандасини чиқарамиз. Токи ўз аёлига хиёнат қилган эркаклар қадамини ўйлаброк боссин", - деди. - "Эзинг, опа, тўғриси эзинг. - Хўжайинимнинг исми Анвар. Икки нафар ўғлимиз бор. Моддий таъминотимиз ёмон эмас. Аммо Анвар акам пули кўпайгач, менга хиёнат қилди. Бегона аёлга илакишиб қолди.

**- Бундай дейишга асосингиз борми? Яъни турмуш ўртоғингиз сиз билан яшмай қўйдими?**

- Ўз кўзим билан кўриб, бирорта аёл билан тутиб олганим йўғ-у, лекин гумоним бор.

**- Гумон имондан айиради, дейишди?**

- Ишончли дугонам: "Эринг бир аёлни бозорда етаклаб юрганини кўрдим", - деб айтди. - Ахир у алдамас. Ундан ташқари менга, болаларга ҳам эътибор бермай қўйди. Бир нарса сўрасам, ўдагайлаб беради. Яқинда эр-хотин ўртамазда катта жанжал бўлди. Болаларни ташлаб, онамникига кетиб қолдим. Холам билан бозорга чиқиб, ул-бул сотишга ёрдам бериб турибман. Озгина ўзимни тиклаб олай,

судга ариза бериб ажрашаман. **- Арзиманган рашк ажралишингизга сабаб бўлармикан?**

- Нега бўлмас экан? - Бояндан бери жимгина ўтирган аёл гапга аралашди. - Мен унинг онаси бўламан. Ҳамма боласини икки кўзлаб боқса, мен бир кўзлаб катта қилганман. Ўша

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...



номард куёвим уни хўрлашига жимгина қараб туролмайман. Яъни бир адвокат топиб "қаматаман". Керак бўлса телевизорга чиқариб шарманда қиламан. **- Боя қизини бир кўзлаб катта қилганман, дедингиз.**

## ҚОЛМАСИН...

**Кечирасиз-у, қизингизнинг отасига...**

- Нима демоқчилигингизни тушундим. Қизим отасиз ўсган. Гулнора беш яшарлигида отаси бизни ташлаб кетган. Эрхотин феълимиз бир-биримизга мос келмади.

**- Ўзингизнинг турмушингиз бўлмай, қизингиз етимликка ўсибди. Нахотки ўз қисматингизни невараларингизга раво кўрсангиз?**

- Менга ҳам ўз боланинг соғлиги керак. Унга мен куймасам, кимнинг жони ачийди?

... Гулноранинг дардини эшитиб туриб болалигимда юз берган бир воқеани айтиб ўтишни жоиз деб топдим. Бир кун аям: "Қизим, томорқага бориб икки-учта помидор териб келгин", - деб қолди. «Хўп», - дедим-у, қўлимга коса олиб сўқмоқ бўйлаб томорқага йўл олдим. Маккажўхори поялари олдидан ўтаётди, аввал шитирлаган, сўнг аёл кишининг йиғлаган овозини эшитиб тўхтаб, қулоқ солдим. Секин-аста овоз келаётган томонга қараб юрдим. Не кўз билан кўрайки, Маъмура аммам билан бувим маккажўхори ичидан ўтиришган экан. Негадир аммам йиғлар, бувим уни юпа-

тишга ҳаракат қиларди.

- Бу ерда нима қилайсизлар? Амма, қачон келдингиз? - деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

- Жим, секинроқ, ҳеч ким эшитмасин, - дея бувим «ўтир» ишорасини қилди. Сўнг аммам:

- Мени бу ерда кўргангизни ҳеч кимга айтма, хўпми. Ўзим сенга чиرويли кўйлак тикиб бераман, - дея ялинишга тушди.

- Хўп, аммажон, ҳеч кимга айтмайман, - сўз бердим. Аммо ваъданинг устидан чиқолмади. - Ая, аяжон, аммам билан бувим томорқадаги маккажўхори ичидан ўтиришибди, аммам йиғлапти, - дедим муҳим бир янгликни айтатгандай.

- Вой, Маъмураҳон бечора, яна поччанг билан уришибди-да. Буванг кўрмасин деб шу ерга беркиниб олган-да, - деди аям ачиниб.

- Поччам аммамни урган бўлса, нега бувамга айтиб бермади? - болаларча савол бердим.

- Чунки буванг аммамни поччанг билан ажрашиб, болаларини етим қилишига йўл қўймайди. Агар аммамни аразлаб келганини билиб қолса, ўзини уришади. Сен ҳам икки кулоғинг билан эшитиб ол. Бизнинг уйимизда кимки оиласидан воз кечса, буванг асло кечирмайди.

Ўша пайтларда аммам билан поччам тез-тез жанжаллашар, аммам аразлаб келиб, икки-уч кун бувамдан беркиниб юрар, поччам жаллидан тушгач, яна бориб ўз келинлик

вазифасини давом эттирарди. Ҳаёт уларнинг ҳар иккисини ҳам тарбиялаб, ўз йўлига солиб қўйди. Ҳозир ёшликдаги жанжаллашганларини эслаб: "Зап эсимиз йўқ бўлган экан-да", - деб кулиб қўйишади. Бугун эса бувам тутган йўл нақадар тўғри эканлигини ҳаёт исботлаб турибди. Демак, биз ҳам ўз оиламиз ҳамда жамият манфаати учун баъзи бир нотўғри хис-туйғуларимизни жиловла олишимиз керак экан.

**...Қаҳрамонимиз Гулноранинг ўз тақдирини шунчалар бефарқлик билан қараётгани мени ажаблантирди. Тўғри онаси унга кўнгли ачиб, куёвидан химоя қилмоқчи. Афсуски, баъзида оналик меҳримиз ўрнини худбинлик эгаллаб, фарзандимизни хато йўлга бошлаб қўйганимизни ўзимиз билмай қоламиз. Биз ўз ҳаётимизга ҳукм чиқаришдан олдин ортимизда турган фарзандларимизнинг тақдирини ҳақида ҳам ўйлаб қўйлик. Ўз манфаатимиз, хотиржамлигимизни кўзлаб етимлар сонини кўпайтирмайлик. Зеро, ҳаёт биздан ишонч, садоқат, қаътиятдан ортиқ нарса талаб қилмайди.**

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

Поликлиникага ташхис қоғозларимни олгани борганида 45 ёшларга борган икки аёлнинг суҳбатига тасодифан гувоҳ бўлиб қолдим.

- Ие, Муслима! Нима қилиб юрибсан, мазанг йўқми?

- Нимасини айтгай! Бир йилдан буён юрагим ўйноқлаб, салга ўйдагилар, айниқса эрим билан жанжаллашадиган бўлиб қолганман.

## ЎЙЛАБ ИШ ҚИЛИНГ!

- Тавба сен жуда мулойим, қувноқ эдингку! Кўз тегдимки? Эринг билан муносабатларинг ахшиими ишқилиб? - Эрим юрибди, қамчиндеккина бўлиб, машинасини мини-и-и-б? Ишга боради, келади. Мен эса уйдаман, ишламайман. У биттасига айланишиб қолгани гумонсираб юрардим. Роса излаб, ахтариб охири кимга ўралаганини аниқлаб олдим. Эри йўқ ёшгина жувон экан. Майли, унинг эри йўқ, у ёш... Шарт кетиб парти қолган эримнинг хиёнатига сира чиқолмай кетаяпман. Бешта бола етилганда, ҳар бири бир оилага эрликка, хотинликка нойил бўлганда-бу қанақа қилиқ? Эрим хатосига иқрор бўлиб, йиғлагудек аҳволда кечирим сўраса ҳам, ба-рибир алашим босилмапти. Қон босимим 200 га кўтарилди. Шифокор инфаркт - инсулт

бўлишингга сал қолибди, - деди.

- Э, ўртоқжон! Оилангизга жуда ҳавасим келарди-я! Ахир эринг уй-рўзгорингизда камчиликларни бутлаб, ҳаммасини етарли қилиб қўйган бўлса... Эртаиндин кудандалик бўласизлар. Энди шу ёшда ҳам эрни рашк қилиб, тўмтайиб юриш уят эмасми? Ҳамма жанжал ва келишмовчилик

## ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

лар уйда, бекор ўтиришдан келиб чиқади-да. Яхши мутахассис бўлсанг, ундан кўра ишга кир, одамлар орасида бўласан. Бўлмагур хаёлларингга ҳам ўрин қолмайди. Сен ҳозир турмуш ташвишларидан анча узоқлашиб кетгансан. Аввало, ўз айбини тан олган бўлса, эрингни кечир. Беш кунлик дунёда урсур қилиб, талашиб-тортишиб, умри азизини елга совириб юбормаслик керак. Гапларим оғир ботган бўлса, кечирасан. Анча ўзга-риб кетибсан. Тўқликка шўхлик қилмасдан, сал ақлу хуш билан иш тутгин, -дея аёл сўзини тутганди.

Мен ҳам бу орада тайёр бўлган ташхис қоғозларимни олиб кетарканман, ўша аёлнинг фикрларига қўшилдим. **ХАМИДА**

## «ЯНА МАЖЛИСДАМАН»...

Хиёбонда китоб ўқиб ўтиргандим, менадан сал нарида телефонда гаплашаётган кишининг сўзлари эътиборимни тортди: - Лолочка, бугун ҳам ўша жойда сизни кутаяпман. Кечикмасдан келинг. Жуда соғинтириб юбордингиз-ку, асалим! Айтгандек, ўша сизга ёқиб қолган узукдан бирданга иккитасини олдим. Яна нима олиб берай? Тросми ёки билгузукми? Истаганингизни айтинг, муҳайё қиламан. Сизнинг айтганингиз-биз учун қонун-да. Бўпти, кўришгунча! - деди-у атрофга бир бор аланглаб қўйгач, яна қандайдир рақамларни тера бошлади. У басавлат, қўлга олган занжир тақиб олган, анча ёшга бориб қолган бўлишига қарамасдан ёш йиғитлардек кийиниб олган эди. У яна ким биландир сўзлаша бошлади:

- Сенмисан? Намунча телефонсини олишинг қийин бўлди? Нима? Гўш олишга вақтим йўқ. Ҳозир мажлисдаман. Танаффусда кўнғироқ қилаяпман. Ўв, менга қара, қанақа бозор? Чўнтагимда ҳозир бир тийин ҳам пулим йўқ. Бир кун овқат қилмасанг бўлмайдимки? Болалар чой-пой ичиб қўя қолишар. Биз мажлисдан кейин бир жойга ўтиб овқатлансак керак. Кеч бораман ўйга, балки бормасман ҳам. Ўша дўстимникида ётиб қолишим мумкин, - деди-да, гўшакни жойига илтиб, соатига қараганча, у ёқдан-бу ёққа бетақат юра бошлади.

Китобга берилиб кетибман шекилли, бир пайт: "Э, бормисиз, Лолочка. Маладеш, маладеш, бир зумда етиб келдингиз-а. Аммо, қўйилман, сизга. Тиланг-тилагингизни, қайси ресторанга олиб борай? Мана бу узуклар ёқадими, бўлмаса юринг, сизга бошқасини олиб бераман. Кетдик. Олой бозоридаги заргарлик дўконларига", - дея йўл ёқасида ярқираб турган хориж машинасига қараб кетишди.

Менинг кўз олдимга эса, кечки овқат ўрнига нон-чой ичиб ўтирган болалар, эриним яна ёлгон гапирганидан кўзларига мунг, қалбига изтироб тушган аёл келди... **ГУЛБАШАКАР**

Мирбозор кийим-кечак бозорига 35-40 ёшлардаги уч аёлнинг суҳбати диққатимни тортди. Улар 1-синфда ўқийдиган фарзандларининг ўқитувчисига совга олишмоқчи экан. "Эртага "Алифбе байрами", ўқитувчига материал олсак, қўйлакни тиктириб улгурмаймиз", - деди улардан бири. "Гилам олсак яхши бўларди", - деди иккинчиси. "Соат олсаларингиз бўлмайди?" - дедим суҳбатга аралашиб. "Вой, опажон, нималар деяпсиз, ўйлаб гапир-япсизми? Қизим аёлочи, синфбоши ҳам. Қизимнинг раҳбари учун соатдан каттароқ совга олсам ҳам арзийди. Қолаверса, бу менинг обрўйим-ку!" - деди у.

Аёллар гилам олиш учун кетишди. Уларнинг кийинишидан, гапиршидан бадавлат эканликлари кўриниб турарди. Шу лаҳза 2-3 кун олдин бир онахон билан қилган суҳбат ёдимга тушди: - Ёшим 68да, 7 фарзандимдан бештаси олий маълумотли. Ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Ўтган йили катта набирамнинг "мучал тўйи" ўтганди. Бу йил эса кичкина набирамнинг "Алифбе байрами" бўлади. Қизим, "Алифбе байрами" ёки "Мучал тўй" ларида видео-ю, совга-саломлар, дастурхон ёзиб зиёфат ўтказишлар шартмикан? Баъзи оилалар учун оғирлик қилмайдимки? Ахир бу тўй эмас, байрам-ку! Ортиқча сарф-харажатларнинг нима кераги бор? Президентимиз хаттоки тўйларни ҳам ихчамроқ қилиб ўтказиш ҳақида Фармон чиқарган-ку! Нахотки ота-оналар ёки ўқитувчилар буни тушунишмаса? Агар ўқитувчилар билан суҳбатлашсангиз, «бу-ота-оналарнинг

## САБОК



иши", - дейишади. Мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар рухсат беришмаса, ота-оналар ҳеч қачон бу ишга қўл урмаса керак. Ота-оналар бу "тадбир" ларга кетадиган пулларга болалари учун кераклик ўкув қуроллари, қизиклари китоблар ёки кийим-кечак олиб беришса-ку, нур устига аёло нур бўларди", - деди онахон.


Ҳа, онахоннинг фикрида жон бор. Бизнинг "Алифбе байрами" миз ўзгача бўлганди. Устозимиз Мурод ака Бўриев ҳаммамизга эрта китоб, дафтар, ручка, расм дафтар ва рангли қаламлар совга қилганда, севинымиз ичимизга сиймаганди. Менга китоб ва рангли қалам теккан. Тадбир туғач, синфга кириб қамалак расмини чизгандим. Ёш, мурғак қалбимда устозимга нисбатан битмас-туганмас меҳр уйғонганди ўшанда. Бу меҳр эса юрагимда абадий муҳраниб қолган.

**София НАЗАРОВА, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, "Зарафшон" ж/х.**

Айвонимиз пештоқига ҳар йили баҳорда бир жуфт қалдирғоч учиб келади. Аввал ҳовлини обдон айланади, сўнг бундан бир неча йил аввал қурилган уясига қўнишади, чугурлашади. Хуллас, 4-5 та бола очиб, парвариси қилишади. Полапонларига меҳрибонлигини айтинг. Тумшугида олиб келган озуқани бе-

эмасмикан? Уч болани бағрига олиб, бўлаб қолган онани ҳам оқламоқчимасман. У ҳам адашгандай, айби бордир. Исломда ҳам, амалдаги қонунларимизда ҳам оилани боқиш—оила устуни бўлган эрнинг зиммасига юкланади. Яъни, "ола хуржин"и ота елкасига илинади. Агар эр тоғани билан оилани тебрата олмаётган бўлса, хотинига ўзи маслаҳат солиб: "Сен биронта ишга кир", - дея тақлиф қилса, бошқа гап эди. Мен Н.исмли аёлнинг

## НЕГА УЙИМИЗ



## БУЗИЛАДИ?

нега бозорга чиқиб кетгани, бу ҳақда эрнинг фикри қандай эканлиги, нима учун "хотинликка ярамадлиги" каби саволларга жавоб топа олмадим. Аёлнинг эри Б. ҳаётини бошқа аёл билан боғлабди. (Уч болани қақшатиб, хотинликка рози бўлган жувонга ҳам лаънат! У аёлга бошқа эр тоғилмаган шекилли). Вақт олий ҳакам Н.нинг ҳаёти изга тушиб қолар. Чунки, орага адвокат аралашибди. Бирор кун келиб, уларга тегишли мол-мулк қонуний ҳал қилинар, болалар али-

Авсадо

ради, яна учиб кетади-ю бири қўйиб, бири келади...

Мен уларга ҳавас билан қарайман. Қаранг, улар рисоладагидек уй қуришади, аҳил яшаб, насл қолдиради. Наслнинг бардавомлиги, шу ёруғ олам мана шу қушлар учун ҳам кенг эканлиги, эмин-эркин яшаши учун ризқ-рўз ҳам бисёрлиги ҳақида уйлайман.

Биз инсонлар-чи? Яшаш учун мана шу митти қушларга қараганда кўпроқ имкониятларга эга бўла туриб, нега уйимиз бузилади, болалар нега тирик етим бўлибди?

Мен ушбу мақолани ўқиб, аёлга юрагим ачишди. Мухбиринг: "Уша оилани асраб қолиш мумкинми?" - деган саволга судьянинг: "Рухсатнома сиз жавоб бермайман", - деганини ўқиб, ажабландим. Инсон тақдирига шунчалик лоқайд бўлиш мумкинми? Тўғри, менинг судяга гинам йўқ, нима деб жавоб бериш унинг иши. Балки суд бўлаётган залга қўймаслик, саволга жавоб бермаслик учун ҳуқуқий ҳаққи ҳам бордир. Аммо қилни қирқ ёриб, ажрим чиқарадиган судья жаноблари нега бундай терс йўлни танлади экан?! Уч болани сарсон-саргардон қилиб, жазманини пинжиги олган отанинг гапи бутун экан-да? Ҳар қандай шароитда ҳам оилани ажратинг ишончи қомиллиги ўша судьянинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ

"Оила нега бузилди?" - 34-сон

**ЭСЛАТМА:** Таҳририятга қўнғироқ қилган аёл уч фарзандли синглисининг эри билан ажрашув суди бўлишини айтди. Мухбир судга етиб боради. Аёл ва эркак билан суҳбатлашиб, оила бузилиши билан боғлиқ қатор сабабларни аниқлайди.

Лола АХМЕДОВА

ментдан ҳам бенасиб қолмас. Балки болалар алиментсиз ҳам улгайишар. Бева аёлга ҳам тирноққа зор бўлган бирорта эркак топилар. Аммо мени бир нарсга ўйлантиради. Шу ёруғ дунёда бахтиёр яшайман, деб туғилган уч норасиданинг айби нима? Улар додини кимга айтади? Кимга "ота" деб эрқаланишади-ю, меҳрини кимга тўқади?

Ҳа, ҳаёт ана шундай бешафқат, адашдигми аяб ўтирмайди, ўч олади, жазолайди, ич-этингни ейишга мажбур қилади. Агар уч болани сарсон қилиш Б. исмли эрга маъқул бўлган экан, унга ҳам Аллоҳнинг бир қўруғлиги бордир.

Ажралишга баҳона излаб юрганларга: "Бу номақбул йўлдан қайтинг", - дегим келди. Куш қаноти билан, эркак эса оиласи, фарзандлари билан кучли. Доймо қанотингиз жуфт бўлсин.

Муборак САИДОВА,  
Асака шаҳри,  
ФХДЭ бўлими мудираси.

## ТЎҒРИ ҚИЛИБСИЗ, УКАЖОН...

Укам Мардонбек! Армонли қалб тақтингизни битилган битигингизни ўқидим. Иродангизга тасаннолар айтдим. Боиси, сиз йигитларнинг энг сараси эканлигингизни кўз олдимга келтирдим-да, фикр айтмоқликни лозим кўрдим...

Одам аҳли, хом сут эмган. Ўша хом сутини қизига берган она ҳам хом сут эмган банда-да, укажон? Севиш, севилиш деган гап олдида-фалончининг авлоди ким эди, келажакда ким бўлади деган ўй-хаёлу андишалар ҳам бўлмоғи жоизмиди?

"Асли пастинг, насли паст", - онасини кўриб қизини ол", - деган мақоллар бор. Сиз дилингиздаги гапларни айтиб, юрагингизни совутиб яхши қилибсиз.

Аёлингизнинг хурматини қозонай деб, шаҳарга қўчириб келибсиз. Ёмон авлоднинг ҳаммаси ҳам ёмон бўлавермайди. Айримлари наслига тартади ҳолос. Аёлингизни балким ойга олиб чиқсангиз ҳам, ўша ерда-да қилғилигини қилиб қўйиши мумкин, укажон. Мени кечирасиз. Ёмоннинг жазосини сиз билан биз эмас, яратган

"Йигитлик гурурим синди" 34-сон

**ЭСЛАТМА:** Аёлим билан севишиб турмуш қурган эдик. 3 фарзандимиз бор. Оиламизга ҳамма ҳавас қиларди. Хотиним яхши маош оладиган ишга ўтди-ю, ўзгарди. Бир кун эса хиёнатига гувоҳ бўлдим. Ажрашдик.

МАРДОНБЕК,  
Тошкент шаҳри.

Эгамнинг ўзи берсин! Сизнинг эрлик хурматингизни жойига қўя олмаган аёлдан нени кутасиз? Уксинманг, 3 болангизнинг ҳолидан хабардор бўлиб, имкон қадар уларга яқинроқ боринг. Қайнонанинг, қизининг эгри йўлини қўлайди, ундан ҳам нима кутасиз? Агар инсонийлик нуқтани назаридан қарайдиган бўлсак, оиланинг бузилишига сабабчи бўлган кимса халқ олдида сазойи қилиниши керак!

Укажон, турмуш шароитингиз бор экан. Аёлингиз қўзингизга хас солибдими, у кўр бўлгусидир! Аёлдан кечиб, фарзандларни бағрингизга тортинг. Келажакда, "онаси фалончи эди-да", - демасинлар. Аёлингизни ўлдирмай, тўғри қилибсиз укам! Кейинги турмушингиз пок бўлсин!

Эргаш АТОЕВ,  
Бухоро вилояти.

## БИРОВНИНГ ЁРИНИ

Бу ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Шундай кишилар борки, ота-она ёруғ-дўстларига истаганича пул бера олади-ю, меҳрга келганида...

Алам қиладиган жойи шундаки, меҳр бериб, қаҳр оламан. Сизнинг бир хатоингиз дилини-дилга боғловчи ришта бўлган биттагина фарзанд орттирмабсиз. Пул бериб, меҳр қозониб бўлмайди, азизам!

Ошиқ-маъшуклардан бирини биламан. Йигит нени истаса, қиз муҳайё қилади. Чўнтагини пулга тўлдириб қўяди. Аммо қизнинг иши тушса ёки йигит маош олса, қорасини кўрсатмайди. Қадрингизга етмаган кишига аҳшилиқ қилиш, била туриб ўзини ўтга уришга ўхшайди. Сиз ундай қилманг. Ақлингизни йигит олинг. Фарзандларингизни ўйланг. Улар сизга муҳтож. Қанча меҳрингиз, бойлигингиз бўлса, ўшаларга сарф-

Севги билан қурилган турмуш сўнгигача асал бўлади. Ҳа, ҳасос шоиримиз Эркин Воҳидовнинг тили билан айтсақ, сеvgи асосида қурилган ҳаёт кўргони кўпинча мустаҳкам чиқиши тажрибада қайта-қайта синалган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Соҳида қизни телбаларча севиб қолган Шерзод 7 йилдирки, уни қалб тўрида ардоқлаб, ўзида йўқ қувониб юраркан. Лекин, афсус, минг афсуски, ота-онаси бу сеvgидан ха-

"Уни севиб хато қилдимми?" - 32-сон

**ЭСЛАТМА:** Эрим оламан ўтгач, оиласи билан ажрашган бир эркакка турмушга чиқдим. Аммо у ҳеч жойда ишамас, уззу-кун бекорчи эди. Севгим туфайли унинг барча қилмишларини кечирдим. Бирок, у мени ташлаб, биринчи оиласига қайтди.

Муаллиф: М. БЕРКИНОВА

## ОЛМАНГ ОМОНАТ

ланг. Қариялик бахти насиб этганда, улар сизга қанот бўлади. Оиласидан воз кечган эркак сизга вафо қилармиди?! Зеро, қўшиқларда "Бировнинг ёрини олма омонат" деб, бекорга қуйлашмаган.

Моҳира БҮРИЕВА,  
Термиз шаҳри.

"Юрак-бағримни тилманг, онажон!-33-сон

**ЭСЛАТМА:** Соҳида исмли қизни жон-дилдан севиб қолганман. Уйдагилар бу гапдан хабар топишиб, муносабатларимизни таъқиқлаб қўйишди. Сабаби: Ота-боболаримиз ўртасида жанжал бўлиб ўтган.

ШЕРЗОД

## ШУ ҲАМ ВАЖМИ, ОНАЖОНИСИ?!

бар толиб, у билан алоқани узиш кераклигини таъкидлашди. Эмишчи, қачондир уларнинг ота-боболари ўртасида жанжалу тўпалонлар бўлиб ўтган, шундан бўён икки томон бир-бири билан ёлвотиб қолишган экан. Шунга таъкидлаш лозимки, айрим ота-оналар қизи ёки ўглини сеvgанига қовуштиришдан бош тортадилар. Бўлар-бўлмас сабабларни кўрсатиб, бошқаси билан қовуштирадиларки, бундай қилиш уларнинг ўзларига ҳам, фарзандларига ҳам бахтсизлик келтиради. Тўйдан кейинги кўнглисизлик оилавий низоларни келтириб чиқаради. Низолар эса ажралишлару етим болалар сонини оширади. Мен ҳам кўп болали онаман, фарзандларим бахтини Оллоҳимдан чин дилдан сўраб қоламан. Бизнинг фарзандлари-

миз кўпчилиги ўзи ёқтириб, севиб оила қурган. Шунинг учун бўлса керак, севиб-севилиб иноқликда яшашди. Уларнинг бахтиёрлигини кўриб қувонамиз. Шерзоднинг онасига гапим шундай: Уғлингиз Шерзод Соҳидани чин дилдан севар экан. Сизнинг: "Севганингни унут, умид қилма!" - дейишнингиз инсофдан эмас-ку! Унинг бағрини тигламан! Ота-она орзусини пайқон қилмай деб, сеvgи қасрин қуролмай юрганлар қанча. Уларнинг майли учун ўзини юпатиб, бошқалар бахтини ҳам кўнганлар қанча.

Шерзоднинг бахти ҳақидаги қувончи хабарини сеvimли газетамиз "Оила ва жамият" саҳифаларидан кутиб қолувчи,

Афифа ҲАСАН қизи

## БОШИНГИЗНИ ДАВОЛАТИНГ!

"Авалло дардингизга даво изланг" - 36-сон

**ЭСЛАТМА:** Ёшлигимдан бошим оғрирди. Ота-онамнинг бепарволиги туфайли касалим зўрайиб, ҳушимдан кетадиган бўлиб қолдим. Шу ҳолда турмушга чиқдим. Болам ҳам тутқаноқ касали билан тугилди-ю, нобуд бўлди.

Н.  
Каттақўрғон шаҳри.

Н. исмли қизимизнинг дил изҳоридан таъсирланиб, узоқ ўйга чўмдим. Нахотки она ўз қизларининг келгусидаги ҳаётини ўйлама-са? Нахотки синглилар ҳам опаларини даволатиш ҳаракатини қилишмаса? Нахотки, ота-онанинг бепарволиги туфайли у бебахт бўлиб қолса? "Қиз боланинг ҳам боши оғрийдими?" - деб одамлардан андиша қилиб, қизларини шунчалик азобга қўйсалар-а?! Шифохонада даволатиш айб иш эмас-ку! Ўтиб кетади, деб қизларини турмушга бериб юборсалар?! Турмушга чиқиб бош оғриқлари қолганда эди. Қайтага яна зўрайибди. Фарзанд нобуд бўлибди. Турмуш ўртоғи: "Шу дардингиларни ҳам бормиди?" - деб ундан сўрабди. Қизингиз тўғриси айтибди. Келган совчиларга қизларини бош оғриқ дарди борлигини айтиб огоҳлантирганларида эди, қиз ҳам, йигит ҳам изтиробга тушмасди. Фарзанд ҳам нобуд бўлмасди.

Синглижоним, менинг ҳам набирам турмушга чиққанига 6 йил бўлди-ю, яқинда бош оғриқ касалига учради.

Оиласи тинч, қайнона-қайнона-таси, турмуш ўртоғи еру кўкка ишонмайди. Ўзи ногиронлар интернатиде тарбиячи бўлиб ишлайди. Лекин бош оғриқ касалига қандай гирифтор бўлганини билмайман. Неварам қизингизнинг бошингиз оғриганда нима қилган бўлардингиз? Балки қизингиз сизга жонини берган бўлармиди?! Ахир айрим одамлар тирноққа зор-ку! Мабодо ёзган гапларим оғир ботган бўлса узр саяйман.

Паттихон САМАДОВА,  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!

**Хурматли ЗИКРИЛЛАЖОН!**  
Биз барча дўстларингиз сизни табриклаб, узоқ умр, бахту саолат ва саломатлик тилаймиз.

Ҳамма яқинларингиз номидан  
**Иброҳимжон!**

**Уғлим МУҲАММАДЖОН!**  
Тушган кунинг билан табриклаймиз. Бахтимизга ватанпарвар, асл инсон бўлиб улгайгин, ҳамisha соғ бўлгин!  
Оила аъзоларинг.

**Хурматли Нигора НАБИЕВА!**  
Сени тушган кунинг билан табриклаб, соғлиқ, бахту саолат тилаймиз! Умринг узоқ бўлсин.

Исроил, Исмоил, Камолуддин, Назока, Нафиса, онанг Башорат.

**Меҳрибон жияним НАЗОКАТ БОНУ!**  
Сени 17 октябрь куну 17 ёшга тўлишинг билан муборакбода этамиз. Доимо орзуларингга эришиб, бахтли бўлиб юргин.



Онажонинг, уканг-сингилниг, тоғаларинг ва яқинларинг номидан **Оппоқ Дадаиғ.**

**Хурматли жияним ИСҲОҚЖОН!**  
Сени Мучал, 12 ёшинг билан табриклаб, саломатлик ва барча болалик орзу-истакларингга эришишингиз тилаймиз.

Меҳрибонларинг номидан қўлловчи,  
**Иброҳимжон амакинғ.**

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази кизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

- Ўқув муддати 2 ойлик курслар**
- Бичиш-тикиш - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш - Бисерлардан фойдаланиб тикиш - Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш - Сартарошлик - Косметология - Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Кандолатчилик-олий курс.
- Ўқув муддати 3 ойлик курслар**
- Миллий кўрга-кўргачалар тикиш - Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўргачалари ва ёстиқчаларини тикиш.
- Ўқув муддати 4 ойлик курслар**
- Массаж ва уй ҳамширалиги - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) - Машинада гул тикиш (вишивка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.  
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси, Фуқат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси, Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.  
Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ГОЗИЕВИЧ**  
**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ ЎГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

Бўйрак, қовуқ, простата беши касалликларини **ДАВОЛАЙДИ.**  
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла).  
Мўлжал: Метронинг F. Фулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача  
Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.

**ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!** **БМТнинг Халқаро Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси "Саломатлик ва бахт оғушида" мавзусида ҳикоялар, шеърлар, фотосуратлар учун энг яхши асарлар танловини эълон қилади.**

Танлов шiori: "Соғлом оила, соғлом муҳит ва соғлом авлод!"  
Танловнинг илк саралаш тури 2004 йилнинг 10 ноябригача ўтказилади. Танловда ёш ҳаваскор қаламкашлардан тортиб, тажрибали ёзувчилар шунингдек, ҳаваскор ва тажрибали фото сураткашлар ҳам қатнашишлари мумкин. Тайёр қўлёзмалар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин.

Танловнинг якуловчи турида нуфузли, халқаро миқёсдаги ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши деб топилган асарлар учта китоб ҳолида чоп этиш учун танлаб олинади ва голибларга рағбатлантирувчи совғалар топширилади.

Танловда энг яхши деб топилган асарлар, салмоқли адал билан 2005 йил Халқаро болалар кунига бағишланиб чоп этилади ва Ўзбекистонда тарқатилади.

Танлов бўйича тайёрланган асарлар куйидаги манзилга юборилади:  
**Тошкент шаҳри, Олмачи кўчаси, 32-уй. Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.**

**СИЗЛАРГА ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!**

**Катта ҳайит тортлари, турли пишириқлар. Тел: 116-01-01, 108-64-79.**

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўгин, ошқорон-инак хасталикларини, касалмигд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб sinalади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.  
**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

**ХОЖИМАТОВ БАҲОДИР ЭРКИНОВИЧ** номунига **ТАТУ** томонидан **2002 йил берилган 32 тр 353** рақамли талабалик гувоҳномасини йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ:**

**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**

1. Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой.
2. Ҳамшираллик - 6 ой.
- 4 ой. Уюш, 2 ой. амалиёт машғулотлари ўқилади.
3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яқин тартибда, кафеоллик. Бисор-2 ойлик.
4. Сартарошлик - 3 ой.
5. амалиёт билан.
6. Торт ва турли пишириқлар - 2 ой.
7. Олий курс - 1 ой.
7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой.
8. Сартарошлик (Сржақлар учун) - 2 ой.
9. Каштаник - (машинада вишивка) - 3 ой.
9. Инглиз тили - 3 ой.
10. Рус тили - 3 ой.

Ўқишни тугатиларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар кунми.  
Манзил: Юнусобод тумани 3 мавазе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95.

Об-ҳаво маълумотини кузатиш марказининг маълумотига кўра республикамаизда ҳаво ўзгариб туради. Ёмғир ёғиб, баъзи жойларда қорга айланиши мумкин. Шамолнинг эсиши кучаяди.  
Ҳарорат кечаси **3°** совуқ, кундузи эса **7-12°** илиқ бўлади. Республикамаизнинг шимолий ҳудудларида **2-7°** совуқ, кундузи эса **0-5°** атрофида илиқ бўлади.

Туш кўрсам - бечора онагинам ҳар кунгидек оппоқ рўмолларини ўраб олганича коридорни супураб эдилар. Супуриги остидан кўтарилган чанг оппоқ туманга ўхшаб кўтариларди.

- Ҳах, кўлгинанг кесилмағурлар, қозонинг ошга тўлгурлар. Бир кун кўринмасам бўлди, ҳамма ёқни булгаб юборасанлар!...

Уйкудан уйғониб кетдим. Эрталабки соат олтилар чамаси. Бехитёр кўрган тушим ҳақида ўйладим. Раҳматли онам нега уй супурдилар, нега чанг тумандек?

Қишлоқдаги ҳовлимиз биз яшаб турган шаҳардан узоқ (40-50 км) бўлиб, ҳовлида онам, кичик синглим ва тўнғич фарзандимиз яшардилар. Уғлимиз Алибек ёшлигидан бибиси ва аммаси билан қишлоқда ўсиб-улгайиб, қишлоқ ўрта мактабининг тамомлади. Армиянинг муқобил хизматини ҳам жамоа ҳўжалигида ишчи бўлиб ўтказди. Уй-жой, томорка, сигир, товуқ деганларидек... Оддий қишлоқ йиғити шаҳардаги тенгқурларидек эртадан кечгача қулоғига ботган компьютер, интернет, уяли телефон, кинотеатр деганлардан узоқда.

Раҳматли онамиз ёшларини яшаб, боқий дунёга "қайтиш" қилганларидан сўнг, ўғлим ҳовлимизнинг ягона кўриқчиси ва ҳўжайини бўлиб қолди. Уни узоқ-яқин қариндошларимиз билан маслаҳатлашиб, бибисининг "йилларни" ўтгандан кейин уйлантириб қўйишга келишган эдик. Шунинг учун хотиним ва иккинчи ўғлим Хуршид навбат билан ҳар ҳафтанинг дам олиш кунларини қишлоқда ўтказиб қайтардик. Алибек йигирмани "йикитиб" ўтган бўлса ҳам, барибир ота-она учун бола-да. Тушнинг таъбирини нимага йўйишни билмай, охири укасини дарҳол қишлоқдан хабар олишга жўнатдик. Икки-уч кундан сўнг ўғлимиз Хуршид қайтиб келиб ажойиб воқеани сўзлаб берди.

Ҳовлимиз эски услубда қурилган бўлиб ташқари-меҳмонхона ва ичкари уйлар, айвонлар билан яхлитланганди. Уйимизнинг бир қисмида яшаб туриб, иккинчи қисмида ҳафтада ёки ойда ҳаммамаиз тўпланиш-масак, бошқа пайтда ёпиқ турарди. Яқин қишлоқда турадиган синглимиз вақти-вақ-

ти билан келиб, тозалаб шамоллатиб турарди. Аммаси билан ҳовлини кўздан кечириб чиққанлариде шу уйдаги янги ўтказилган газ қувурининг очиб-ёпувчи жўмраги носоз бўлиб, оз-оздан газ чиқариб турган экан. Хоналарни дарҳол шамоллатиб, уста қақриб тузатишибди. Агар тўсатдан гугурт чақилса борми!...

Лекин тунги воқеа бундан ҳам қизиқ. Ўғлимнинг айтишича, кечқурун биргалашиб аммаси тайёрлаган таомни ба-

ҳам кўришган. Ёз пайти, ҳаво дим бўлганлиги учун аммаси ҳовлидаги сўрига ётишга жой ҳозирлаб, кейин ўз уйига жўнаган. Ярим тунда Хуршид зарурат туфайли уйғониб, ҳовлининг бурчагидаги "керакли жойга" қараб йўл олиб, етиб бормасдан тўсатдан тўхтаб қолади. Тўлин ой чиққанлиги сабабли ҳаммаёқ ойдин, айвон супасида оппоқ кийинган аёл ўтирар эди. Жимжитлик. Ит ҳам ҳўрмасди. Ҳатто онамиз қазо қилганларидан бери ёнига ҳеч қимни йўлатмай, пишиқриб яқинлашгани телиб, сўзиб юрган сигир ҳам бемалол ётарди. Хуршид зарурат учун турганлиги ҳам эсидан чиқиб орқага қараб қочади-да, акасини уйғотишга тушади. Бу нотинчликни эшитиб, қўшни аёл ҳам туриб келади. Хуршид бўлган воқеани уларга айтиб беради. Лекин энди қараша у ерда ҳеч қим йўқ эмис. Шунда қўшни аёл:

- Болаларим кўрқманглар. Бу бибингизнинг руҳи, сизлардан хавотирланиб, хабар олишга кўриниш берганлар. Бемалол ухлайверинглар, - деб уларга тасалли берган. Ёшлигидан ўз қўллариде ўсиб улгайган Алибекнинг бундан кейинги ҳаёти бечора онагинамиз руҳини ҳеч тинч қўймаган бўлса керак.

Бу воқеадан бир-икки йил ўтиб ўғлимизни уйлантирдик. Ҳозир икки фарзанднинг отаси, оила бошлиғи. Мана, орадан анча (9-10) йиллар ўтди. Энди раҳматли онамизнинг кўнгиллари тинчман бўлса керак, бизларга "кўриниш" бермай қўйдилар.

**М.АҲМЕДОВ,**  
Бўхоро вилояти.

**КҮЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта ҳар бир муаммони осон ҳал қилиш имкони туғилади. Қутилмаган маблағга эга бўласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Жума куну сизга муҳим таклиф билан муурожаат қилишади. Ишларингизни кейинги ҳафтага қолдирманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ўз қобилиятингизни намоиш қилинг. Ноҳушлиқларга эътибор берманг.

**ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Бирозгина жиддий ва вазминроқ бўлганингиз маъқул. Бу сизга муваффақият келтиради.

**МУНАЖЖИМЛАР**

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Дам олиш куну дўстларингиз билан табиат бағрида дам олинг. Бу келгуси ҳафтада унумли ишлашингизни таъминлайди.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Янги либослар харид қилишингиз учун қулай ҳафта. Аммо, меъёрни унутманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Сизни уйлантираётган масала ҳал бўлади. Енгил нафас олиб, кўнгилли хордиқ чиқариш учун имконият туғилади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳафтанинг энг омадли куну чоршанба. Режангиздагидан ҳам кўпроқ юмушларингизни бажаришингиз мумкин.

**БАШОРАТИ**

**ЎКОТАР (23.11 — 21.12).** - Саломатлигингиз безовта қилади. Бироз вақт парҳез қилсангиз айна мудида бўлади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Молиявий масалалар билан шуғулланг. Бу эса ҳафтанинг охирида яхши натижалар беради.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** -Жума куну яқинларингиздан бирининг муаммоси билан шуғулланишингизга тўғри келади. Алданишдан эҳтиёт бўлинг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Қутилмаган воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Кайфиятингизни бузмасликка ҳаракат қилинг.

Мен бу аёл билан хизмат сафарига кетаётиб, поездда танишдим. У ёшига нисбатан анча катта кўринарди. Аёлнинг лаблари жилмайса-да, кўзларида қотиб қолган мунгни пайқаш қийин эмасди. Аёл ҳикоя қилиб берган воқеани ёзи ёзмаслик ҳақида анча ўйладим ва кўпчилик оналарни хушёр тортирар деб, ёзишга қарор қилдим.

- Қизимнинг ҳаёти барбод бўлишига билмаган ҳолда сабабчи бўлиб қолдим. Бу оғрик 10 йилдирки, жигар-бағримни куйдиради...

Қишлоқда яшардик. 3 қиз, 2 ўғлим бор. Эрим - оддий ишчи. Катта қизим 12 ёшда, қолганлари ҳали кичкина эди. Болаларимнинг оғзи сут-қатикқа тегсин деб, томорқада уч-тўртта сугир-бузоқ боқардик. Қизим ёш бўлса-да, бошқа дастёрим бўлмагани учун юмушларни унга буюрардим: молларга қараш, супир-сидир,

тўла кулгу-ю, бечора айбсиз қизимнинг номи бадном бўлиб, уйдан кўчага чиқолмай қолди. Биз йигитнинг айбини исботлаш учун овворай-сарсон бўлдик. Бошида йигит айбини бўйнига олмай, жазодан кутулиб қолишга ҳаракат қилди. Сўнг доим қўлтигида кўтариб юрадиган шолчасидаги доғлар, қизимнинг қўрқиб-қимтиниб, йиғлаб айтган яримта-юрумта гаплари орқали воқеа тикланди...

Йигит жазоланди - анча йилга қамалиб кетди... Аммо бу билан қизимнинг, меннинг ёки отасининг кўнглидаги доғ ювилармиди, яралар битармиди?! Бизнинг қишлоқда яшағулигимиз қолмаганди. Ҳамма йигитни айбласа-да, лекин мен нодон онанинг хатосини оқлаб бўлмасди... Гоҳ хотин-қизлар сардорлари келиб, "қишлоқдаги муҳитни соғломлаштириш" ҳақида маъруза қилишар, гоҳ мактаб ўқитувчилари ўқувчиларни йиғиб, "бунақа ҳолларга йўл қўймаслик чоралари"ни муҳокама қилишга зўр беришарди...

Ахирги болаларимни олиб, эрим билан бошқа вилоятга кўчиб кетдик. Қаерда яшашимизни ҳеч

## ЛОКАЙДЛИКНИНГ

кир-чир, дегандай... Ўзим ҳам эртаю кеч далада ишлардим. Тушлик пайти ҳовул-човул уйга келиб, нон ёпиб, овқат тайёрлаб, болаларнинг қорнини тўйгазиб кетардим.


Қўшнимизнинг 20 ёшлардаги ўғли бўларди. У ҳеч жойда иш-ламас, беш-олтита сугир-бузоғини етаклаб, далада ўтлатиб юрарди. Гоҳ бизнинг ҳам молларни ҳовлидан узоқларга ҳайдаб кетиб қоларди. Шундай кезларда қизимга: "Югур, молларга қара!" - деб унинг ортидан "ғизиллатардим". Гоҳ қизим: "Мен унинг ортидан бормайман. Ўзингиз олиб келинг бузоқларингизни!" - деб менга аччиқ қилиб қоларди. Мен эса вақтим зиклигидан: "Ҳа, яшашагур-а! Ҳозирдан бўйни йўғон бўлиб ўсаёсан. Эрта қандай одам бўласан экан?! Мен қайси бир ишга бўлишай?.. Сенинг инжиқлигингни кўтарайми ё дала-нинг ишини қилайми?! Бор, айтганимни қил!" - дея уни койиб кетардим.

Шундай жанжалларимизнинг бирида қизим "изиллаб" йиғлаб қолди: "У жуда ёмон одам. Менга тегажоклик қилаверади. Молларни атайлаб узоққа ҳайдаб кетади. Энди айтганингизни қилмайман!" - деди жahl билан. Уша куни ҳам у йигит сугирларни анча оқсига олиб кетиб қолибди.

Ҳамирим "ачиб" - тобиға келиб қолган, тандир қизиб турган эди. Қизимнинг бу гаплари менга одатдаги "баҳона"дек туюлди. "Майли, ўзим уришиб қўяман уни... Бугун молларни олиб келинг, эртага амакиннинг чорбоғига олиб кетаман", - дедим. Қизим йиғлаганча, кўзларини уқалай-уқалай молларнинг ортидан кетди... Мен номиним ёпиб бўлиб, далага шошилдим...

Кечқурун ишдан келсам, қизим кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олибди. "Нима бўлди?" - десам, у: "Мазам йўқ..." - деди-да, йиғлаб юборди. "Мен сизга айтувдим-ку, у ёмон одам, деб. Ишонмадингиз. Мени қўйнаб, ёмон иш" қилди... Ҳаммаёғим оғриб кетаяпти..." - дея юзюни ёстиққа босганча, елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди болам шўрлик. Бу гапни эшитиб, аввал анграйиб, қотиб қолдим. Кейин молхонадан узун ходани олиб, йигитни қидириб кетдим. Аммо у набаркор еру кўда йўқ эди. Йигитнинг ота-онаси: "Бўлмаган гап", - деб мен билан уришиб кетишди. Эртаси куни милисахонага бордик...

Уч ой давомида кўрган-кечирганларимизни душманамга ҳам раво кўрмайман. Айб қилганнинг оғзи



## ТУЛОВИ

қимга айтмадик. Аммо қариндош-урғуларни соғинганда, эр-хотин қишлоққа келиб кетамиз-у, уларни уйимизга таклиф қилолмаймиз. Эрта бир кун бориб, қизимга қилинган «аҳорат» ҳақида биров билишини истамаймиз. Ҳозир қизимнинг бўйи етиб қолган. Яхши йигитлардан совчилар келишарди. Лекин унинг руҳиятидаги эркак қишига нисбатан нафрат ўтини ўчириб бўлмапти. Мен ва отаси «ўтмиш»ни бутунлай унутиб, қизимизнинг ҳаёти изига тушиб кетиши учун бегона жойларда юрагимиз бекорга «сидирилиб» юрган экан-да! Ахир у ҳам уйли-жойли, бола-чақали бўлиб, бахтли яшашга ҳаққи бор-ку! Боламда нима айб? Икки ўт орасида қолганман. Бўлажақ куёвни «у воқеалар»дан хабардор қилаймикан ёки...

**40 ёшли аёлнинг эрта оқарган сочлари, 70 ёшли одамникидек ажин ўраган юзларига қараб, унга «лоқайдлик»нинг тўлови қанчалик қимматга тушганини ҳис қилдим. Шу ўринда қиз ўстираётган ота-оналарга эслатиб қўйишни истардим: уйингизга келадиган меҳмондан тортиб, қизларингиз билан мулоқот қиладиган кимсаларга эътибордан қочирмаслигингиз керак! Акс ҳолда... кейинги пуйаймоннинг азоби бир умрга татишининг гувоҳи бўлиб турибсиз..**

**Аёлга эса: «Виждонингиз буюрганини қилинг», - дейишдан наўғаймадим. 12 ёшли қизчанинг айби нима эди, тўғри эмасми?! Сиз қандай фикрдасиз, азиз юртдош?**

Санобар ФАХРИДИНОВА.



## ОЕЗИНГИЗГА ҚАРАБ ГАПИРИНГ!

Бояги шаллақи аёлнинг кўзлари чарақлаб кетди:

- Вой, менинг сумкам, - дея сумкани унинг қўлидан юлқиб тортиб олди. Уни апил-тапил очиб, ичини кўздан кечираркан, иккитарақлаган бриллиант кўзли билагузукларни дарров билакларига тақиб олди:

- Ишқилиб, унча-мунчасини ўмариб қолмадингизми? Шошмай туринг-чи, олдингизда санаб олай... Яна ярмини «шумо» қилиб қолган бўлманг, - дея ичидидаги пулларни этагига қоқиб санай кетди.

Ҳамма ҳайратда эди. Ҳайдовчининг жаҳли чиқиб кетди.

- Санаб ўтирманг, иккита билагузук, учта тросс ва олти тилла узук, яна саккиз юз минг сўм пулингиз бор экан. Бойлигингиз ўзингизга буюрсин. Агар мен сумкачангизни қайтариб олиб келмаганимда, нима қилардингиз? Ношукр аёл экансиз. Ҳайф сизга-е, - деб бурилиб кета бошлади.

Милиционер эса :

- Шошмай туринг, биродар! Бу аёл жуда ёмон гаплар билан ҳайдовчини қарғанди. Айтган гапларини қайтиб олиб, сиздан кечирим сўраши керак. Сиз диёнатли инсон экансиз. Акс ҳолда сумкани қайтармаган бўлардингиз, - деди.

Аёлнинг кўзлари олайиб: - Нега энди узр сўрашим керак? Менга ўзимнинг мулкимни қайтариб олиб келди-ку! Олиб келмаганида ҳам барибир ўлимлигига буюрган бўларди, - деди.

Бечора ҳайдовчининг ранги оқариб кетди, кўзларига ёш келди.

- Нега бундай дейсиз, опа? Отанамнинг тилаб олган ёлғизгина фарзандиман мен ҳам. Уч нафар боламни ҳалол ризқ билан боқаялман. Машинамда қанча нарсалар қолиб кетган. Аммо, эгаларини топиб олиб бориб берганман. Сиз яхши аёл эмас экансиз. Қаргишингиз ўзингизга урсин, - деди-да, бурилиб машинасига қараб кетди.

Аёл эса пинагини ҳам бузмади. У пулларини санаб сумкачасига жойлаб бўлиб, яқинлашиб келаётган автобусга қараб интилди. Ногоҳда унинг баланд пошнали туфли кийган оёқлари қайрилиб кетиб, бор гавдаси билан орқасига йиқилди. У миёси билан бекатдаги темир тўсиқнинг қиррасига урилди. Автобусдан тушган одамлар уни ўраб олишди. Кимдир юзига сув селди, кимдир тилиннинг остига дори ташлади. У ҳамон ўзига келмасди. Бир-иккита йигитлар аёлни четга олиб чиқиб ётқизишди. Иккита боласи атрофдаги чириллаб йиғлашар, қизчаси онасининг бояги машўм сумкачасини маҳкам бағрига босиб олганди. Биз ҳамроҳим билан кўзгалаётган автобусга чиқиб, ўз йўлимизга кетдик.

Аммо кўнглимдаги гашлик сира кетмасди. Аёл олижанон ҳайдовчига ўлим тилаб, пулларни унинг ўлимга буюришини истаганди.

У эса: «Қаргишинг ўзингизга урсин», - деб кеттанди. Демак, оғзимиздан чикқан хар бир гап, дилимиздан ўтган йўқ ва тилақларимиз эзгу, ниётларимиз ойдин ва кунда қиладиган ишларимиз савобли бўлсин экан. Отам бир пайтлар жанжаллашаётган икки қўшнимизни яраштирашкан, айтилган қарғишларини қайтиб олиб, тавба қилишга мажбур этганди. Чунки, бировнинг шаънига билиб-билмай айрилган қарғиш ноҳақ бўлса, айланиб-айланиб келиб, айтган одамнинг ўзига урар экан. Яъни, ким бировга не ёмонликни тиласа, ўзининг бошига тушаркан. Бу гапларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигига ўша куни яна бир бор ишондим.

Басира САЙДАЛИЕВА.

Кекса бир қўшнимизнинг ишлари бўйича судга кетаётгандик. Йўлда бирданги унинг юраги ёмон бўлиб, маза-сиз қоча бошлади. 24-автобуснинг статистика бошқармаси ёнидаги бекатда тушиб қолишимизга тўғри келди. Бекатда унга сув ва дори бериб, елиб тургандим. Скамейкада унга сув ва дори бериб, елпип тургандим, бекатга «Чорсу-ТТЗ» йўналиши бўйича қатнайдиغان маршрут таксиси келиб тўхтади. Ундан икки бола билан бирга башанг кийинган бир аёл тушиб қолди. У ёнимизга ўтирди-да, қизчасига қараб:

- Мухай, сумкачамни бер, - деди. Лекин, қизчанинг қўлида ҳеч нарса йўқ эди. Буни кўрган аёл бирданги додлаб юборди.

- Вой-дод, уйим куйд-и-и! Сумкачам... Пулларини-и-и-и-и-и-и! Кафангадо бўлдим. Энди нима қилама-а-а-а-и! - дея ер тепи ёш боласини қарғай кетди. Шу атрофда юрган икки милиционер йигит келиб, ундан нима гаплигини сўрай бошлади. У дам қизчасини, дам сумкаси қолган машина ҳайдовчисини қарғай-қарғай воқеани айтиб берди. Ниҳоят милиционерлардан бири:

-Опажон! Хафа бўлманг. Шу ерда ўтира туринг-чи, балки, ҳайдовчи қайтариб олиб

қилиб қолар, - деди.

Аёлнинг баттар жазаваси тутиб, энди ҳайдовчини қарғай кетди:

- Гўрдан олиб келадими, вей ука, жудаям содда экансиз-а? Ахир унинг ичидида битта машинага етадиган бойлик бор-ку! Олиб келмайди-и-и-и-и! Илоё, аварияга учрасин! Олгани бола-чақасининг ўлимига буюрсин -и-и-и-и-и-и! - дея ўқиб йиғлаб бошлади у.

- Опажон, ҳайдовчи олганини-йўқми, бировни нега қарғайсиз: Оғзингизга қараб гапиринг-да,- дея танбех берган бўлди милиционерлардан бири.

- Ахир ҳайдовчининг ёнида қизим, удан кейин мен ўтиргандим. Манави жувонмарг қўлидаги сумкамни ташла-а-б чиқиб келаверибди. Нима, сенинг қариндошингмиди у ҳайдовчи, ёнига тушасан? Ахир менинг пулларимни олганидан кейин айтаман-да. Ўлсин, оғзидан қони келсин, келмаса сираям рози эмасман, - деди аёл яна қакшаб.

Шеригимнинг аҳоли сал яхшилангач, кетиш тараддудига тушдик. Шу пайт йўлнинг у томонига келиб тўхтаган маршрут такси ҳайдовчиси қўлидаги сумкачани силкитганича биз томонга ўтиб кела бошлади.

-Манави сумкачани машинамда қолдиришди. Ичиди анча нарсаси бор экан. Бир аёлни шу ерга туширганим эсимда. Шунинг учун эрим йўлдан қайтиб келаяпман. Бечора адо бўлгандир. Шунча нарсасини йўқотиб. Уни топишим керак, - деди.

# АВВАЛО ЎЗ БОЛАНГГА МЕХР БЕР!

Қария ҳовлини болалардан холи кўрди. Қабристон сукунатидек уй «ютаман», дейди. Уй ишлари билан ғимирлаб юрган кампирдан сўради:  
-Набираларинг қани? Келин кўринмайдими?

-Аразлаб кетди, - аччиқ кесатиш билан жавоб қилди кампир. -Туқликка шўхлик, биз ҳам келин бўлганмиз. Корнимиз тўйган кунимиз тўй бўларди. Егани олдида, емагани ортида, ҳеч кимдан ками йўқ, яна нима керак бу кишига?! "Болам, ношукр бўлма, иззатингни бил, бир эр шунчалик бўлади, рўзгорингни, ўтириш-туришингни қара, нима камчилигинг бор?" - десам, у: "Ойижон, мен ҳам одамман, молдай еб-ичиш, рўзгор турмуш учунгина ҳаётга келмаганман. Ўғлингиз уйим-жойим, оилам бор, демайдилар. Ҳеч бўлмаса дам олиш кунлари болаларим билан бир айланиб келай, - дейишни ҳам билмайдилар. Оғиз очгани кўймай кўрслик қиладилар, шу ҳам ҳаётми?" - деди. Қария уйланиб қолди. Сўнгги вақтларда ўғли бир гуруҳ ул-



фатларидан ажралмай қолди. Топиш-тутиши жойида, даромади кундан-кун ортиб бораёпти. Иззат-қиром шунга яраша. Аммо келин ҳақ. Эртаси кун нонушта устида ўғлидан сўради:

-Хотининг, болаларинг қани?  
-Аразлаб кетибди. Кетса-кетак қолсин. Не-не қизлар эрга теголмай юрибди. Мен-ку истаган бир қизга уйланиб оларман. У киши учта бола билан кимга керак бўларкан?!

Ўғлингиз жавоби отанинг қалбига наштардек қадалди. У фарзандининг бунчалар бегоналашиб кетганини билмаган экан. "Наҳотки шу бетамиз сурбет менинг ўғлим бўлса?" - деди ичида.

-Нима деяётганингни билаясанми? Қачондан бери орномусни бунчалар йиғиштириб қўйдинг? Оила сенга хушвақтлик

уйимики, зериксанг? Вақтичоғлик қилсан, уй билан ишинг йўқ? Инсоннинг қалбига озгина бўлса ҳам меҳр-оқибат

деган нарса бўлади. Ўз фарзандингга шунчалар бепарқ бўлсанг, мен сендан нима кўрдиму, онанг нима кутсин? Давлат шунчалар кўзингни кўр, бағрингни тош қилдимми?

-Сиз ҳам тилингни бунчалар аччиқ қилманг, - аралашди кампир. -Хотини ношукр бўлса, бунда нима айб?

-Ҳамма гап-сенда, - зарда билан давом этди қария. -Бўлар бўлмасга келиннингга ёпишавермай, ўғлингга ҳам назар сол. Сезмаёсанми? Отам гапираяпти, деб, парвосига келмайпти. Хей бола! Отам қариб қолган, мен-сиз яшолмайди, десанг адашсан. Сенинг бор давлатингни битта неварамнинг "буважон" деб бўйнимдан кучишига алишмайман. Қара, ҳовлими бу, ё қабристонми? Болалик уй-бозор бўлади. Эс-хушингни йиғиб, шу бугуноқ болаларни, келинни қайтариб кел! Бўлмаса мен ҳам бош олиб чиқиб кетганим бўлсин. Утиравер, онанг икковинг давлатингга маст бўлиб... -Келмаса, нима қиламан?

-Ялисанамми, ёлворасанми, оёғига йиқилиб тавба қилсанми - сенинг ишинг. Болалар уйда бўлсин - вассалом!

Жаҳл устида фотиҳани ҳам унутиб зарда билан ўрнидан турган қария шиддат билан дарвоза томон юрди, эшикни "қарс" этиб ёпиб чиқиб кетди. Ўғил бошини ҳам қилганча уйга толди. Орадаги сукунати бузиб:

-Борақол болам! Қайтариб келмасанг бўлмайди, чоғи. Отанг бирсўзли эканини билсан. Қариган чоғимизда маҳаллага дoston бўлмайлик, - деди онаси.

Ўғил бир сесканиб онага боқди. Назарида ўтаётган умриширин туш, ҳаёти-оромбахш уйкудек туюлди. Кўз очиб, аччиқ ҳақиқатни кўрди. Қаршида изтироб ичида қийналган аёли, нима гап эканини тушунолмай етимлардек бош эгган фарзандларининг маюс чеҳраси жонланди.

-Онажон, дастурхонга фотиҳа қилинг, - деди оҳистагина. -Мени сўрашса, тоби қочиб шифонага кетди, бугун ишга чиқолмаса керак, денг.

У ташқарига, болалари дийдорига етишиш учун кўчага отилди.

**Собиржон ХИДОЯТОВ, Тошкент шаҳри.**

Ёшим 20 да. Ўзим шўх, ҳазилкаш, ишонувчан, кечирувчан, раҳмдил, одамлар билан тез келиша оладиган қизман. Мен барча дўсту дугоналарим дардларини тинглаб, уларга илоҳи борица маслаҳат ва ёрдам бераман. Лекин ишонувчанлигим ва кечирувчанлигим учун кўп панд еганман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дугоналарим Махлиё ва Захро мен билан умуман гаплашмай қўйишди. Улар менинг энг яқин, сирдош дугоналарим эди. Ҳаммасига сабаб, уларнинг севган йигитлари...

Бир кун Махлиё билан Захро кўзларида ёш, чеҳралари маҳзун ҳолда келишди. Маълум бўлишича, севган йигити Махлиёга бепарво, уни доим хафа қиларкан. Айнан шу қисмат Захронинг ҳам бошига тушган. Мен иккаласини ҳам овутдим. "Ҳали улар қайтиб келишадими, сизлардан кечирим сўрашадими", - деб юпатдим. Шунда Махлиё: "Мастура, сиз ўртამизга кириңг, балки сиз туфайли биз ярашиб кетармиз", - деди. Бу гапни Захро ҳам маъқуллади. Мен рози бўлдим. Тўғрироғи, уларнинг кўзидаги ёш, илтижолу боқишлари мени шу ишга ундади. Йигитлар билан галма-гал учрашиб, вазиятни тушунтирдим. Уринишларим наф бермади. Энг кизиги шундаки, охир-оқибат уларнинг ҳар иккиси

ҳам менга севгани изҳор қилишди. Мен лол эдим, ким учун курашдим, нимага эришдим? Аввал Захронинг, сўнгра Махлиёнинг йигитидан совчи келди. Албатта мен рози бўлмадим. Аммо яқин дугоналаримдан ажралдим. Улардан кечирим сўрадим, улар мени кўришни ҳам истамади. Менда ҳам айб бордир балки, деб ўйладим. Чунки бошқа бир дугонам туфайли ҳам худди шу аҳволга тушган-

ман. Лекин у дугонам мени тушунган эди.

Бугун мени саволлар тинч қўймайди. «Гуноҳим нима? Айбим-йигитларнинг менга совчи қўйганими? Ахир айб дугоналаримнинг ўзида эмасми? Мени ўша йигитлар билан гаплашишга ундаган ўзлари-ку!» У йигитлар ҳали ҳам бизни кизига совчи юборишдан чарчашмаёпти. Лекин менинг юрагимда абадийга муҳрланган армонли ўз севгим бор. Хаёлан ва руҳан у билан биргаман. Мендан олисда яшаганлиги учун уйдагиларимиз унга тегишимга рози бўлишмади. Менга маслаҳат беринглар, мен нима қилай?

**МАСТУРА, Тошкент вилояти.**

## БИЗДАН НИМА ҚОЛАДИ?

Автобус эшигидан кираётган пайтимда бир кампирга кўзим тушди. "Бирон кишини кутиб турган бўлса керак, шунинг учун чиқмай тургандир-да", - деб ўйладим. Автобусга чиқиб жойимни эгалладим. Уриндиклар тобора банд бўла борди. Биров халтача кўтарган, яна биров қоп олиб кирган. Хуллас, кўли бўш одам йўқ. Бироқ автобус олдида боғия кампир ҳамон тик турарди. Қараб турсам, кампирни автобусга ҳайдовчи киритмаётган экан.

-Агар пулини тўласангиз ўтиргизишим мумкин, - дерди лоқайдлик билан ҳайдовчи.

-Жон болам менга раҳминг келсин, ҳеч кимим йўқ, пулим ҳам йўқ, агар бўлса сендан аямридими! - дея ялинарди кампир. Кошки ҳайдовчи кўнса, қалби юмшаса. Кўнмади ҳам, қалби юмшамас ҳам. Лекин шу орада бир йигит чўнтагидан пул чиқариб "кампир учун" дея ҳайдовчига узатди. Шундан сўнг кампир автобусга чиқиб, мурувват кўрсатган йигитни узундан-узоқ дуо қилди.

Мен ўйладимки, бу ёлғиз кампирнинг кўзларига ёш олиб йигит ҳақига қилган холис дуоси ижобат бўлмасдан қолмаса керак.

Бу воқеа мени кўп нарсаларни мушоҳада қилишга ундади. Ҳаёт чарчатиб қўйган кампирнинг оғирлиги нари борса эллик кило келади. Шу билан автобуснинг бели майишиб қолмас, айна пайтда ҳайдовчининг ҳам давлати қамайиб кетмас эди. Бизга гоҳида меҳр, оқибат етмайди. Биз бугуннинг ортидан эрта ҳам келишини баъзида унутамиз. Унутмасак эди!

Айтинг, биздан нима қолади ўзи? Менимча, қолса меҳр-оқибат қолади, бошқа ҳеч нарса. Келинг бир-биримиздан меҳримизни дариг тутмайлик!

**Юлдуз ХАЙИТОВА, УзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси.**

## Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Алижон хотинига севиб уйланди. Аммо улар 9 йил фарзад қўришмади. Кўрсатмаган шифокору табиблари қолмади. Натижа бўлмади. Ахйири Алижон фарзад

## ЗОРА ҚАЛБИ ЮМШАСА...

қўриш умидида эри вафот этган бир болали аёлини никоҳига олди. Хотини ҳам бунга рози бўлди. Кўп ўтмай бу аёлда ҳомилдорлик белгилари кўрина бошлади. Алижон кўнглида таскин туйди. Аммо юраги доим биринчи хотинига талпинарди. Маҳбуба Алижоннинг ойиси билан яшар, у ҳам эридан кўнгли узоқласди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, эри уйлангач, Маҳбуба ҳам ўзида "ғалати" ўзгаришларни сеза бошлади. Буни эшитган Алижон хотинининг "оёғини эрга теккизмай" шифокорга олиб борди. Шифокорнинг: "хотинингиз ҳомилдор", - деган хабарини эшитган Алижон гўё еттинчи осмонда ҳис қилди ўзини. Эр-хотин шифононадан уйгача йиғлаб қайтишди. Бу ҳам қувонч, ҳам алам ёшлари эди. "Эҳ, худойим, мени кутиб турган бахтдан олдинроқ хабардор қилсанг бўлмасмиди?" - дея ич-ичидан йиғларди Алижон. Ҳам ҳам, қувонч ҳам изма-из келади, дейишгани рост экан. Икки аёл олдинма-кетин ўғил қўришди. Алижон энди «Маҳбубаси»нинг ёнига бутунлай қайтди. Аммо 2-ўғилга ҳам бирдек моддий ёрдам кўрсатар, елиб-юғуриб ишларди.

Кунлар шу тахлит ўтаркан, бир кун Маҳбубани ота-онаси ўз уйларига олиб кетиб қолишди. Хотини, боласини сўраб борган Алижонни қайнота газаб тўла таъна-дашном билан кутиб олди. Аввало ўғлига дангилла-ма қаср қўриб бериши лозим-

лигини (ўғлига атаган у ҳовлига жой эскилигини), ўшандагина хотини уйига қайтиши мумкинлигини айтиб, куёвни олдига солиб ҳайдаб юборди. Алижон қанчалик ишламасин, дангиллама уй қўришга имкони етмасди. Шунинг учун «Маҳбубаси»ни, ўғлини қайтаролмас, аммо уларга керакли нарсаларни, озик-овқатни кам-кўстисиз етказиб турарди.

Ана-мана демай, орадан 2 йил ўтиб кетди. Қайнота куёвни тушунай, демайди. Алижон нима қиларга ҳайрон, қайси тошга бошини уришини билмайди. Маҳбуба эса отасининг раъйига қарши боролмайди. Икки ёшнинг энг яхши онлари ана шундай можаролар қурбони бўлиб ўтиб кетаяпти. Мен уларни яхши билганим учун ҳам ичим қуяди.

Қайнота-қайнонага эса ҳеч кимнинг гапи қор қилмаяпти. Зора газетхонларнинг бу воқеага муносабатлари қайсар қайнотанинг қалбини юмшатиб, инсофга келтирса... Улар ҳам бу газетани яхши кўриб ўқишади...

**САНОБАР.**

## ҲАМ ОТА, ҲАМ...ГА ЖАЗО БОРМИ?

Бу воқеага анча бўлди. Ушандан билмадим андиша қилдимми ёки кўрқоқлик қилдимми, кўзим билан гувоҳ бўлган бу аянчли,

сига тегаётган экан. Ушандан буён қизим гапирмайди, но-гирон бўлиб қолди. Меҳр ва мурувват йилда инсонийликдан йироқ, ҳайвонсифат бундай кимсаларга фақат ўлим жазосини бериш керак, деган фикрданман.

Акс ҳолда қовун-қовундан ранг олиб, қанчадан-қанча инсонларнинг қисмати чала бўлиши мумкин. Ўртдошларимиз хатимни акс-садосиз қолдирмайдилар, деб умид қиламан.

**СОҲИЛА.**

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

Уй жиҳозларини тахт қилиб хотинимни кишлоқдан кўчириб келдим. Топган тутганимни келтириб кўлига берардим. Бирда-ярим машинама 4-5 кун бузилиб, пул топиб келмасам: "Чўнтагимда пулим қолмас, жанжаллашгим келиб кетаверадим", - дерди хотиним. Хотинимнинг кўнглини кўтариш учун кўлимдан келган барча ишни қилардим. Кўпинча бозорликни бирга қилардик. Айрим пайтлари ўзим бозорлик қилиб тўлиб-тошиб келсам, хуш кутиб олиш йўқ. Келтирган нарсаларимга ижирганиб қараганини пайқардим. Бирда унинг туғилган куни бир даста гул кўтариб келиб: "Хотинжон, туғилган кунинг муборак бўлсин," - деб гулдастани хуш кайфиятда кўлига тутқазсам, истар-истамас: «Раҳмат, деди-ю, бурилиб: "Гулни бошимга урамни", - дея пичирлаб кўйди. Бу гап менга жуда оғир ботди. Шу-шу уйга гул кўтариб келмайдиган бўлдим. Бунақанги асабга тегадиган гаплар жуда кўп бўлган. Аммо, кетма-кет туғилган фарзандларимиз ҳовуримни босиб турарди. Ишдан чарчаб келиб, кўрпачага чўзилсам, чуғурлаб, осилишиб ҳордигимни чиқаришарди. Улар билан овуниб, хотинимнинг гап-сўзига ҳам парво қилмасдим. Фақат бирда-ярим хотиним бақириб-чақириб болаларимни урушиб қолар, бундай пайтда мен ҳам унга қарата овозимни кўтарардим. Бошқа пайтда овунчоғимиз болалар бўларди. Хайдовчи бўлганлигим учун у мени, бузуқ аёллар билан юради, деб ўйларди. Келишмовчилигимизнинг бош сабаби ҳам шу эди. Нима бўлса-бўлсин, шу уч нафар боламнинг келажаги учун чидайман, деб ўзимга-ўзим сўз бергандим. Лекин тирик жон баъзан қуёшқондан чиқиб кетаркан. Қилмаган айбинг учун гуноҳкор саналсанг, алам қилиб кетаркан. «Бор-ей,- деб кастюмингни елканга ташлаб, уйдан чиқиб кет», - деб шайтон йўлдан урарди. Яна ўзимни босиб олардим. Сўроқ ҳам бир кун бўлсин, бир йил давом этсин, бир умр чўзиладими, ахир! Қонимга ташна бўлиб кетардим. Отам оғир ахволдалиги ҳақда хабар келганда, хотин билан енгил машинамизда йўлга чиқдик. Биз етиб борганда, отамни бир соат бурун сўнги манзилга кузатиш учун олиб чиқшиган экан. Қабрлари устига тупроқ тортаётганларида етиб бордим. Отамнинг қабрига бир кетмон тупроқ тортиш насиб этганига ҳам Оллоҳга шукроналар айтман.

Ўниб-ўсган ҳовлимизда мен учун ҳам алоҳида хона ажратилган эди. Унда келин-куёвлик давримиздаги кўрпа-тўшак, идиш-товоғимиз сақланарди. Шу кунни кечаси хотиним ошхонада идиш-товоқларни юваётди: "Ўзи йўқнинг кўзи йўқ экан-да, биздан берухсат эшигимизни очиб, нарсалардан фойдаланишибди. Эртага кўчимизни машинага юклаб олиб кетамиз", - деб қолди. Сочим тикка бўлиб кетди. Отам бу ёқда ўлиб ётса-ю, менинг кўрпа-тўшагим, идиш-товоғим тахланиб турадимми? Ахир шуларнинг барчасини ота-она қилган-ку! Буюм ота-онадан ҳам азизми, деган ўй билан ўзимни тўйиб туролмадим. Хотинимга: "Ҳой, нима деясан? Отам ортидан отган тошингми-бу?! Бугундан бошлаб мен сенга эр, сен менга хотин эмассан", - дедим тупоқиб. Шу бўлди, Тошкентга қай-

тиб келганимиздан кейин бир уйда яшаб, икки йил гаплашмадик. Менинг хонам алоҳида, унинг хонаси алоҳида эди. Болаларим катта бўлиб қолишган, чой, ош-овқатимни олдимга олиб келиб кўярди. Салкам чорак аср бирга яшаб бир-биримизнинг феъл-атворимизга сираям ботишмадик. Мен бир қоп ёнғоқдай «шалдир-шулдир» бўлсам, у «ичимдагини топ» тоифасидаги одам эди. Охириги жанжалимиз ҳаётимни издан чиқиб кетишига, сабаб бўлди... Мен умуман кўчадан овқатланмасдим. Тушликда уйга ке-

ўтираимиз. Не маҳалда улар оила-си, хотини, бола-чақаси ёнига қайтишди. Мени эса жимжитлик, соқов тўрт девор, совуқ тўшак кутиб туради. Бундан ортиқ азоб бормикан дунёда. Болаларим тушларимга қиради. Лекин хушимда уларни кўриб бағримга босишни нечоғли орзу қилишимни ёлғиз ўзим ва худо билади.

Мана шунга ҳам етти йилча вақт бўлиб қолди. Бу орада хотиним кизимни турмушга узатиб, мени тўйга айтмади. Мен ҳам алам устида қизимни йўқлаб бормадим. Охири чидаб туролмай, уч-тўрт ки-

ганда, уларни дил-дилдан тушунаяпман. Аммо кеч... Ёлғизликда яшаб менга ҳам уч болам билан қолиб яшаган хотинимга ҳам осон бўлмаган. Бир кун келиб болаларимиз бизни тушунар. Мен болаларимни тушуниб турибман.

Раҳматли онам бирда борганимда шундай деганди: "Болам, мен сени Тошкентда яшаб қолиб кетмасин деб, қизгонганим учун ўша яхши кўрган кизингга рози бўлмагандим. Мана ўзинг ҳам фарзандлар улғайтириб, энди мени тушунгандирсан. Кечир болам, мушук ҳам боласини оғзида тишлаб бўлса-да, катта қилади. Нима қилган бўлсам, менинг оналик меҳрим шунга ундади. Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Онангни кечир, болам", - деб кўзларига ёш олдилар.

Нима бўлганда ҳам тақдирга тан бериб, ёлғизлик азобини чекиб яшаяпман. Ҳозир кучкуватим бор. Эрта кучдан қолсам, нима бўлади. Ўтган йили шамоллаб ётиб қолдим. Ҳароратим 39-41 даража атрофида бўлди. Туришга мажол йўқ. Шифтга термулиб 4-5 кун ётдим. Болаларимни, хотинимни кўмсасдим... Оёқларимни аранг судраб паства тушиб, нон, майда-чуйда харид қилиб келиб, яна ўзимни таппа тўшакка ташлардим. Шу кунлар мобайнида иссиқ овқат у ёқда турсин, бир бурда нонни олиб ейиш ҳам малол келди. Барибир жон ширин-да, ўлиб қолмай, деб нон, сув билан жон сақладим. Мана шундай пайтда яна уйланиб, оила курсаммикан, деган хаёлга бордим. Аммо йигирма беш йиллик оилавий турмушим, болаларим кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳозир ҳам гурурни йиғиштириб уйга қайтим, набираларимни бағримга босгим келади, яна шайтон йўлдан уради. Яқинда бир қариндошимиз тўй қилди. Мен ҳам бордим. Қизим болаларини олиб борган экан. Набирам дарага тушиб уйнаётганда юрагим қиндан чиқиб кетаёзди. Уни бағримга босиб, тўйиб-тўйиб йиғлагим келди. Тушунмайман, бу қандай кучки, олдинги ҳаётимдан воз кечдим, энди ҳаётни қайтадан бошлайман, деган тўхтамага ҳали-хануз кела олмаяман. Агар шундай ҳол юз берганда ҳам, ҳеч қачон болаларимдан воз кеча олмасам керак. Менинг бу юрчишимни кўриб, уйланишимни тавсия қилганлар ҳам бўлди. Бирда рози бўлиб, бир аёл билан учрашиб кўрдим. Энди уни синашим керак эди. Дўстим билан келиширган ҳолда бу ишни амалга оширдик. Кетдик деса, кетаверадиганлар тоифасидан экан. Шу билан уйланиш режасига бошқа қайтмадим.

Мен онамдан ҳам, хотинимдан ҳам, чалқаш ҳаётимни ҳазм қила олмаётган болаларимдан ҳам хафа эмасман. Менинг нима учун ёлғиз яшаётганимни тушунайми, ичиди кулиб, ортимдан "сўқча-бош" деб бармоғи билан кўрсатувчилардан бироз оғринман холос. Менинг қисматим бошқа ҳеч кимда тақорланмаслиги учун буларни айтдим. Тўрт мучам соғ, нафас олиб турарканман, ҳали ҳаётдан умидимни узганим йўқ... Бошимга тушганини кўраяпман, Келажақда мени қисматим яна қандай бурилиш нуқталари кутиб турганини вақт кўрсатади.

**Азизнинг дил изҳорини оққа кўчирувчи Т.НОРИМОВ**



либ овқатланиб кетардим. Хотиним бунни яхши биларди. Ўша куни уйга келсам, эшик қулф. Калитни эсимдан чиқариб, уйда қолдириб чиққан эканман. Роса танг бўлиб турган пайтим хотиним кўчадан келиб қолди. "Ярим соатдан бери уйга қиролмай турибман, қаерда юрибсан?" - деб портлаб кетдим. "Бозорга чиққан эдим", - деди. Менинг баттар қоним қайнаб, нима десам, дедим. Уйга кириб ҳам ўзимни босиб ололмадим-да, хотинимни чақириб: "Мана уйнинг калити, бу сенга. Мана бу машинанинг калитини вақти-соати келиб, ўғлимга берасан. Қизим турмушга чиқадиган бўлса, қақирсанг, озми-қўли ўз ҳиссамни қўшиб, тўйда оталик бурчимни бажараман. Энди бу оилада бир дақиқа ҳам яшай олмаман, худо сени ва болаларимни ўз паноҳида асрасин, омин", - деб, кастюмини елкамга ташлаб уйдан чиқиб кетдим. Санокли дақиқаларда юз берган бу воқеа уйим, хотиним, болаларимдан ажраб қолишимга сабаб бўлди. Чўнтагимда озгина пул, борадиган жойим йўқ, кўчада қолдим. Бир жойдан ижарага уй топиб яшай бошладим. Қисматимнинг бундай бурилишидан довдираб қолдим. Таниш-билиш, дўсту ёрларим ёрдамида ўзимни ўнглаб олишга имкон топдим. Қишлоқдаги уйимни арзиман пулга сотиб, машина олдим. Тирикчилигим шунинг кетидан ўта бошладим. Ўзим кир ювиб, овқат қилишга кўникма ҳосил қилдим. Лекин барибир ёлғизлик мени эзарди. Кечқурунлари кўни-кўшилар билан ташқарида гурунлашиб

шини олиб, совға-салом билан қизимникига бордим. Қизим совуқина кутиб олди. Кўз-кўзга тушиб турмас, меҳр ҳам йўқоларкан. Орамизда совуқ бир шамол эсиб турарди. Аммо қонингдан пайдо бўлган болангдан кечиб кетолмас экансан. Орадан бир йил ўтиб қизим фарзанд кўрди. Набира дийдори яна мени қизимникига етаклади. У бу сафар ҳам хушламай кутиб олди. Оғриндим, қаттиқ оғриндим. Лекин қарғамадим. Менинг жаҳл устида уйдан чиқиб кетганимни улар ҳали ҳам кечиролмай юрибди. Яқинда ўғлим уйланди. Лекин бу сафар ҳам мени тўйга айтишмади. Ўғлим, ҳар қалай ўғил бола-да, мени тушунади. Кўрганда кўришиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Аммо онасидан ўтиб, тўйга айтолмаган бўлса керак-да. Уч-тўртта оғайнимни олиб тўйга айтмасам ҳам бордим. Ўз ўғлингнинг тўйида меҳмонлардай ўтириш нақадар оғир эканини, бошига тушган билади. Мен бу кунни ҳеч кимга раво кўрмайман. Болаларим келинг-кетинг, деганлар билан нигоҳларида алланечук бегоналик зоҳир эди. Ха, бунга мен ўзим ҳам сабабчидим. Аммо, эндиги пушаймонлик... Йиллар ўтар, мен ҳам дунёга устун бўлмайман. Умримни оилам, рашкчи бўлса ҳам хотиним, болаларимни ўйлаб ўтқаздим. Аммо бунни улар билишармикан? Бирортадан «ота-она» сўзини эшитсам, бўғзимга қон тикилади. Чунки мен ота-онамнинг кўзини тўрт қилиб, улардан узок-да ўзим учун яшадим. «Кўнглим далада» эди. Энди соч-соқолим оқар-

Хайдарали тоғанинг дарё бўйидаги тошлоқ жарликда шолিপояси бор. Хар йили шолини ўришади-да, дала йўлининг бўйига кўтариб ташивади. Бу йил ҳам ўғли Иброҳим билан шолини ташиб бўлишгач, Иброҳимжон ўша жойда шолини қўриқлаб қолди. Хайдарали тоға эса прицелли трактор топиб келиш учун қишлоқ томонга йўл олди.

Иброҳимжон эса кундузи юпунроқ кийиниб келгани учун кечки аёзда совқота бошлади. Хайриятки, чўнтагида гурурти бор экан. Дадаси узоқ қолиб кетгани боис қуриб қолган шўраларни йиғиб, ўт ёқиб исина бошлади. Аммо шўра "лов" этиб ёниб, дарров ўчаверди. У қоронги тушай деб, қолганда нарироққа бориб, дарё бўйидаги қари толларнинг шохидан синдириб келмоқчи бўлди. Бир кўчоқ шохни қўлтиқлаб орқасига қайтганида, боя у олов ёққан жойида ўт гуриллаб ёнаётган экан. Унинг ёруғида кўча бўйида турган капали аравалар кўзга ташлангандай бўлди. Бирдан ногора овози янгради. Икки киши оловнинг ёнига ўтириб, завқ билан баданларини ўйнатиб-силкитиб ногора чалишаётганди. Иброҳимжон уларни лўлилар бўлса керак, деган хаёлга борди. У кўчоғидаги ўтинни ташлаб, қаддини ростлаганида, олов атрофида ўйнаётган қизга кўзи тушди.

Киз қоп-қора сочларини ёйиб олганча ўйнади. Унинг кийиб олган кўйлаги ҳам юпқа ва оловранг эди. Ногоранинг овози кучлироқ эшитила бошлади. Рақс тушаётган киз Иброҳимжонга жилмайиб боқди, сўнг уни рақс тушишга имлаб қақирди. Оловнинг ёруғида кизнинг оппоқ тишлари садафдай ялтириб турарди. Иброҳимжон унинг узатган қўлини ушламоқчи бўлиб, олдинга юрди. Шу лаҳзанинг ўзида киз оловнинг нариги томонида кўринди. Иброҳимжон унга интилиб, оловнинг атрофини айланаверди. У ўзини қандай қилиб рақсга туша бошлаганини сезмай қолди. Ногоранинг овози худди кавказликлар чаладиган шўх оҳангга ўхшаш эди. У рақс тушаётган қизга ҳеч ета олмади. Лекин шунақам иштиёқ билан ўйнаётган эди-

ки, ногора овози ва рақоса кизнинг имоси гўё уни сеҳрлаб қўйганди.

У қанча вақт ўйнаганини билмади. Бир пайт ногоранинг овози тиниб, қоронғиликдан дадасининг овози эшитилгандай бўлди.

- Иброҳимжон?! Нима бўлди сенга? Ўйнаёсанми? Иброҳимжон хушига келиб, бир

фурсат атрофга

гарансиб боқди. Шу

сония ногорачи-

лар ҳам, рақоса

қиз ҳам гўйиб

бўлган, атрофини

машъаладай ёритиб турган

олов ҳам сўнганди. Дадаси

қоронғида велосипедни

шолни гарамига суяб,

кўрқиб-ҳадиксираб, унинг

юзига боқди.

- Ўғлим! Хансираб қолиб-

сан-ку, нима бўлди, сенга?

- Лўлилар қани? - саволга-

савол билан жавоб қилди у.

- Қанақа лўлилар? Қорон-

ғида бу ерда лўлилар нима

қилади? Вой, ўғлим-ей, тер-

лаб кетибсан. Нимадир

кўзингга кўринибди. Кўрқма-

дингми ишқилиб? Жиндай

кечкиб қолдик. Ҳозир трак-

тор келади.

Трактор ҳам кутди-

риб қўймади. Тракт-

торчи кишлоқнинг

қори йигитларидан

эди. У Иброҳимжон-

нинг кўзларига боқиб, шун-

дай деди:

- Жинлар ҳазилига дуч келибсан. Баъзан жинлар одамни мана шунақа ўйинга таклиф қилиб қолиши мумкин. Улар ҳам тўй қилиб, бир-бирига ўйланади. Яхшиямки адаштириб кетмабди.

Қори йигит "жин" суръасини ўқиғач, Иброҳимжоннинг юзларидаги бемаъно ҳолат аста-секин ўзгара борди. Улар шолини прицепга юклашиб қишлоққа қайтишди. Бироқ ўша кеча чалинган ногора қуйи, ўйинга тушган оловранг кийимли киз унинг хотирасидан ҳеч ўчмайдиغان бўлди.



# МУҲДАТУ

Мўминжон билан Умиджон-синфдош, жўра. Ўтган йили мактабни битиришди. Бир куни Мўминжоннинг уйидагилар тўйга кетишиб, икки жўра уйни қўриқлаб ётадиган бўлишди.

Қишлоқнинг чеккасида Хуршид тоға деган кишининг ҳовлисига узумлар фарқ пишганини кўришган эди. Хуршид тоға фарқ йилли узумни совуқ едириб, узиб олади. Ана шунда узумнинг шираси ортиб, узоқ вақт "яшанг" ҳолатда сақланар экан. Кечаси икки жўра ҳовлининг орқа томонидан ўтиб, узум ўғирлаб келиб ейишадиган бўлди.

Аммо Хуршид тоғанинг ити сезиб қолиб, уларни ҳовлига яқинлаштирмади. Шунда Мўминжон:

- Мен дарвоза томонга ўтиб, итни чалғитиб турман. Сен девордан ошиб ўтиб, узум олиб чиқасан, - деди.

Мўминжон кетиши билан Умиджон ерга ён-бошлаб, итнинг узоқлашишини кутиб турди. Кеча ойдин эди.



Шу пайт унинг кўзи зақанининг нариги томонида турган товусга тушиб қолди. Товус патларини ёйиб, ўзидан жозибакор нур таратиб турарди. Умиджон бир зум сеҳрланиб қолди. Узумни ҳам унутди. Энгашиб, зақанга ташланган ҳода устидан ўтиб, товус турган жойга бўйланди. Товус салгина наридаги кийтик жойга бориб олганди.

Худди ўша жойга Умиджоннинг отаси кузги сабзи эккан эди. У зақан четидоғи дўнгликни пана қилиб, товус томонга эмаклаб кетди. Даст қаддини тиккалаб, ўзини товус устига олди. Бармогининг учи товусга теккандай бўлди. Товус эса қочиб, ундан узоқлашди. Умиджон ўрнидан туриб, энди товусни очиққасига кува бошлади. Йиқилиб-туриб, уни қувавверди. Унинг тиззаси, тирсақлари шилиниб кетди. Товус эса икка қадам нарида қочиб-яшириниб бораверди. Бир маҳал Мўминжоннинг бақирган

овози қулоғига чалинди.

- Умид! Нима қилияпсан, у ерда?

- Бировнинг товуси қочиб кетибди, - жавоб қилди у. - Ўт бу ёққа!

- Қанақа товус! Жинни бўлмадингми, ишқилиб? Қани узум?

Ошналар ноумид уйга қайтишди. Эртасига Умиджон дадасини даладан хуноб бўлиб қайтганини кўрди.

- Дайди итлар сабзини тепалаб ташлабди. Эндигина туллаб бошлаганди.

Кейинроқ бу сир фош бўлди. Сабзини итлар эмас. Умиджон пайҳонлаб ташлаганди. Бувиси унга шундай деди:

- Хуршид тоғанг беш вақт номозини қанда қилмайди. Ўша сен қувланган товус эмас, Хуршид тоғаннинг дуоси. Демак: "Пешона тери билан етишгирдан узумини ёмон кўзлардан асра", - дея тангридан сўраган экан. Дуоланган нарса, ўтда ёнмайди, сувага чўкмайди, болам.

# КАБУТАР БЎЛИБ, УЧГАН РУХ

Хинд башоратчларининг айтишича, қалби покиза одамнинг руҳи кабутарга айланармиш. Бу ҳақда бир рухшунос дўстимиз шундай воқеани айтиб берди.

Мени Ҳомиджон деган қўшним бор. Ўзи бегубор йигит. Аммо болам-чакам, деб ўзини ўтдан-чўққа уравериб, нимжон-ноғирон бўлиб қолди. Кунларнинг бирида уни кўргани кириб, кўрқиб кетдим. Кроватда ётар, иккала кўзи ҳам шифтга қадалганча қотиб қолганди. Томирини ушлаб кўрдим, ҳаётдан нишона йўқ эди. Иккинчи қаватнинг деразасидан пастга мўра-лаб, қўшнилари чакирмоқчи бўлдим. Дераза раҳига қўниб турган

оқ кабутарни кўриб, негадир сеҳрланиб қолдим. Кабутар шу қадар оппоқ эдики, уни кўриб, кўзинг қамашгундай эди. Орқамга қайтиб, жойимга ўтирдим. Танаси совумаган-ку, балким дуо ўқисам, хушига келиб қолар, деб кута бошладим.

Ҳомиджон касалликка чалинганидан кейин унинг хотини Фарида ўзига эр топиб олганди. Икки фарзанди онасининг уйига элтиб қўйиб, ўша бетайин эр билан никоҳсиз яшаётганди. Яқинда Фарида менинг хотинимни гувоҳликка чақириб, охириги гапини айтиб кетибди.

-Сизга қарасам, умрим ўтиб кетади. Судга ариза бериб қўйдим. Ажрим қозини биронтасидан бериб юборарман.

Дуо ўқиб ўтиравердим. Ҳомиджоннинг қариндош-уруғларига хабар беришни йўлаб турганимда унинг чеҳрасида ҳаёт аломатлари сезила бошлади. Кўзлари-

га нур қайтиб, худди уйқудан уйфонган одамдай мен томонга қаради. Сўнг хиёл хирқирок овозда сўради.

- Мен ўлиб қолдимми?

- Худо сақласан, - дедим унинг докадай оқариб кетган юзига боқиб.

- Аммо кўрқитиб юбордингиз.

-Кўрққанингизни кўрдим, - жавоб қилди у чуқур нафас олиб. - Ўзимнинг танамни ҳам кўрдим. Фарида-

нинг биттаси билан машинада кетаётганини ҳам кўрдим. Дарёнинг нариги ёнига ўтишиб, уйга кириб кетишди. Осмон жуда бегубор эди.

Рухшунос бўлганим учун унинг руҳи бир фурсат танасидан ажрлиб чиқиб, оқ кабутарга айланиб, осмонда парвоз қилганини сездим. Фарида ўйнаши билан дарёнинг нариги томонида яшаш ҳам ҳақиқат эди...

# ҚОРА ҚАЛТАК

аҳволни кўриб, онанинг зардаси қайнаб кетди.

- Қачон одам бўласанлар, иккаланг? Ўғлингни уйлaidиган, кизингни чикарадиган бўлиб қолдинглар. Инсоф борми сенларда?

- Парво қилманг, ҳаммаси жойида бўлади, - гап қилди Фани. - Ҳамманинг оғзини очиб кўямиз ҳали.

-Ичган ароқларинг бошларингдан шох бўлиб чиқмаса рози эмасман. Ҳе, алвастининг тағи-

га йўлиққурлар! Онанинг вужуди қақшаб қайтиб кетди.

Улфатлар эса чўнтақларини титқилишиб, зўра бита шишага ётадиган пул топишди. Фани қўшни маҳалладаги ароқфурушнинг уйига йўл олди. Асқарали эса ўчоқдаги кўрға картошка кўмиб, пишириб турадиган бўлди.

Иккала маҳалла оралағида икки юз қадамча дала жой бор. Фани ароқни олиб, ана шу оралик жойдан ўтаётганда, тутлар орасида бехисоб қизгимтир шарпалар пайдо бўлди. Улар тўхтовсиз ҳаракатланиб,

чақнаб, Фанига яқинлашиб келишарди.

Фани нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди. Калима келтириш қаёқда, ерга энгашиб, тош қидира бошлади. Худди шу лаҳзада қизгимтир шарпалар бирикиб, иккита қора таёққа айланди. Таёқлар бир-бири билан тез-тез ўрнини алмаштириб, ҳамла қилиб кела бошлади.

Фани шудгор томонга қочди. Аммо таёқлар уни қувлаб, беаёв савалай бошлади. Қалтак зарбидан у "дод" солиб, куртқасига ўрғалиб ётиб олди. Бироқ таёқнинг зарби жон-жонидан ўтиб кетиб, ўрнидан турасолиб, катта йўл томонга югурди. Унинг

додлаганини эшитиб, гараж қоровули кўчага чиқиб, йўлини тўсди.

- Ҳа, Фанишер, нега додлаёяпсан?

- Қора таёқ қувлапти, қора таёқ! - ваҳимали бақирди у. Сўнг қоровулхонага кириб яширинди.

Қоровул Фанининг бошидаги гурраларига боқиб, деди: - Онанинг қарғиши шунақа бўлади, бўтам. Боя аянғ алвастининг тағига йўлиққур, деб қарғаб ўтиб кетган эди. Аянғнинг қарғиши бир соатда ижобат бўлибди.

Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.

# КЛИМАКС - ЯНГИ ҲАЁТ ОСТОНАСИДИР...

“Тахририятга мактубдан: Газетанинг 40- сониди эркаклар климакси ҳақида ёзилибди. Бундай муаммолар фақат аёлларгагина тегишли, - деб ўйлардик. 45 ёшдаман. Кейинги пайтларда ўзимни жуда ёмон ҳис қилаяпман. Эҳтимол, менда ҳам климакс даври бошланаётгандир?”

Сурайё,  
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри.

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани 3-туғруқхона мажмуасининг бош шифокори, олий тоифали шифокор Улуда ФАЙЗИЕВА:

Климакс даври асосан 45-50 ёшдаги аёлларда кўпроқ учрайди. Бу - тухумдонлар фаолияти ҳамда эстроген жинсий гормонлар ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан боғлиқдир. Климакс - ҳайз кўриш жараёни аста-секинлик билан тугашининг белгисидир. Чунки, ёш ўтгани сайин - марказий асаб тизими ва эндокрин безларининг ишлаш фаолияти бузилади. Климакс жараёни икки даврга бўлинади. **Биринчиси** да ҳайз кўриш муддати ўзгаради. Ҳайзнинг камроқ келиши, вақтининг ўзгариши ёки қон кўп кетиши мумкин. **Иккинчи** даврида эса ҳайз келиши бутунлай тўхтайд.

Климакс даврини куйидаги белгиларига қараб билиш ва даволаш мумкин. Бу ёшдаги аёллар ўз-ўзидан, сабабсиз асабийлаша бошлайдилар. Уларда жиззакилик, йиғлоқилик, ваҳимага тушиш, уйқунинг бузилиши, бош айланиши, бирданига исиб кетиш ва бадандан тер қуй-

илиши, юракда оғриқ пайдо бўлиб, унинг уриши тезлашиши ҳолатлари пайдо бўлади. Бу жараённинг асоратлари хавфли бўлиб, айрим аёллар климаксни жуда оғир ўтказишади. Шу боис климаксни турли дармондорилар, оғир ҳолатларда эса эстроген гормонлар билан даволашади.

Аёллар климакси 3-5 йилгача давом этиб, 50-55 ёшга бориб тугайди. Айрим аёлларда бу давр силлиқ кечиси мумкин. Аммо, 30 фоиздан кўпроқ аёлларда бу жараён оғир кечади.

Климакс турли ёшда ва наслий бўлиши ҳам мумкин. Онаси неча ёшда бўлса, қизлари ҳам шу ёшда климакс бўлиши кузатилади.

Баъзи аёллар климаксни унча жиддий ҳисоблашмайди. Ваҳоланки, бунинг оқибатида невроз, юракда, айнакс, асаб тизимига хавфли ўзгаришлар юз бериши эҳтимолли бор. Кўп аёллар ҳайз қони бир йилгача келмаса, климакс даврини ўтди, деб ўйлашади. Бирок, бу танафусдан кейин эса кўп қон кетиш ҳоллари юз беради. Бу эса жинсий аъзоларда турли хавфли шиш ва ўсмалар борлигидан далолат беради. Шунда

аёлларга гормонларни меъёрлаштирадиган “Фемостон”, “Дефостон” каби дорилар белгиланади. Онкогинеколог текшируви эса нима учун, қон кўп кетаётганини аниқлаб беради.

Аёллар 40 ёшдан кейин йилда икки марта гинеколог ва йилда бир марта онколог текширувидан албатта ўтиб туришлари лозим. Чунки, кўпинча бу кечикишлар жиддий касалликлар, кўпроқ ўсма шишлари пайдо бўлишига олиб келади. Климакс пайтида асабларнинг қаттиқ зуриқиши эса кейинчалик мияда хавфли шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.



## АЪЗОИ-БАДАНГА ТЕР ҚУЙИЛИБ, ЮРАК ЎЙНОҚЛАСА...

Тик турган ёки ўтирган ҳолатда қўлларингизни тўғри тутиб, бошнингиз узра 4-5 минут давомида кўтариб туринг.

Тоғорага иссиқ сув қуйиб, 2-3 минут давомида оёқларингизни солиб ўтиринг. Агар сизга иссиқ ванна мумкин бўлмаса, совуқ сув билан тозаланинг, яъни клизма қилинг. Бунинг учун бир стакан қайнатиб совутилган сувга ярим чой қошиқ 6 фоизли ичимлик сиркаси ва бир чимдим туз аралаштирасиз.

Ҳар куни куйидаги доривор ўтлар дамламасидан ичиб туринг.

Бир ош қошиқ мингбарг (тысячелистник), ярим стакан хмел (қулмоқ) гуддачалари, қақиртиканак (расторопша), икки ош қошиқ дўлана гуллари, чучукмия (солodka) ўтларини яхшилаб аралаштирасиз. Бу аралашмадан икки ош қошиқ олиб, устига бир литр қайноқ сув қуюсиз. Уни сузиб олиб, асал аралаштириб истеъмол қилинади.



## ДАРДИНГИЗГА ДАВО – ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Иложи борича бир вақтда овқатланиш, сертуз, сергўшт таомлардан, ун ва макарон маҳсулотларидан тайёрланган, ёғли ва гўшти овқатлардан тийилиш зарур. Кўпроқ сут маҳсулотлари, мева-чевалар ва сабзавотлардан истеъмол қилиш керак.

Доривор маврак (шалфей) ўтининг шарбатидан 2 ошқошиқдан 3 маҳал овқатдан олдин ичилса, климакс давридаги жикка сув бўлиб терлашнинг олдини олади.

Еркаламбир - (хрен), хантал - (горчица), қалампир ва спиртли ичимликлардан, зирворлардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Арпа, буғдой, гречка, ёнғоқ, жўхори ёрмасидан тайёрланган таомлардан кўпроқ истеъмол қилиш керак. Мевалардан эса қовун, банан, апельсин, кийкўт (чабрец) дамламаси ва майдаланган қовоқ уругидан кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ёввойи маймунжон (ежевика) шарбатидан кунига уч маҳал бир ош қошиқдан, овқатдан олдин ичилса, асабларни тинчлантиради. Мевалари ва баргларининг дамламаси ҳам бу даврдаги неврозни даволашга ёрдам беради.

Кайфият кескин ўзгарганда ҳам ўзини қўлга олиш зарур. Таркибида кўпроқ фоллий кислотаси бор маҳсулот-

лардан истеъмол қилиш, айнакс, ундирилган буғдой, буғдой ва сули ёрмаси, тариқ, янчилган ёнғоқ ейиш зарур. Мевалардан эса маймунжон, хурмо, узум, нок ва тарвуз фойдаланиш ҳисобланади.

Қичитки ўт (крапива)нинг янги сиқиб олинган шарбатини ҳар куни 0,3 стакандан ичиш, баъадондан қон кетишини тўхтатади.

Асабийлашиб зуриқишнинг олдини олиш учун вақти-вақти билан қаҳва ва чой ўрнига дўлана (боярка) дамламасидан ичиб туриш ва вальериана ўтидан ванна қабул



қилиб туришнинг фойдаси каттадир.

Уч стакан қайнатилган совуқ сувни уч ош қошиқ дўлана гуллари билан устига қуйиб, кечаси билан қолдиринг. Эрталаб яна паст оловда 5-7 минут қайнатилади. Бу дамламани эрталаб бир стакандан оч қоринга ва икки стакандан овқатдан кейин ичилади.

Қизил дўлананинг гуллари ва мевасидан тенг миқдорда, яъни, уч ош қошиқдан олиб устига уч стакан қайноқ сув қуйилади. 2 соат тиндиргач, сузиб олинади. Овқатланишдан 30 минут олдин ҳар куни уч маҳалдан ичишнинг фойдаси катта.


Гуллаб турган мингбарг (тысячелистник) шарбатини



ҳар куни икки ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатланишдан олдин истеъмол қилинса, ҳайз кўриш жараёни меъёрлаштириб, юрак фаолиятини яхшилайд.

Лавлагининг янги сиқиб олинган шарбатини асал билан тенг миқдорда аралаштириб, кунига 0,3 стакан миқдорда, ҳар куни 2-3 маҳалдан ичилса, асабийлашнинг олдини олади.

10 дона лимонни пўсти билан майда тўғралади. Сувда қайнатиб пиширилган 5 дона тухумнинг пўстини пардасидан ажратиб олиниб, толқон ҳолига келгунча туйилади. Сўнг лимон билан аралаштирилиб, тухумнинг пўсти эригунча 7-10 кун туриши керак.



Уни бир ой давомида кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиб борилади.

Бир ош қошиқ очамбига (пастушей сумка) ўти устига 1 стакан қайноқ сув қуйилгач, икки соатдан кейин сузиб олинади. Сўнг, бир кунда 4 маҳал бир ош қошиқдан овқатланишдан 30 минут олдин ичилади.

Икки ошқошиқ қизил беда уругининг устига бир стакан қайноқ сув қуйилади.

## ОНАМДАГИ ҲОЛАТ МЕНДА ҲАМ ТАҚРОРЛАНДИМИ?

Онамнинг айтишича унда климакс даври 42 ёшда бошланиб, жуда оғир ўтибди. Бирданига исиб кетиш, терлаш, бош оғриги, юрак оғригидан ташқари баданига турли яралар ҳам тошиб кетган экан. Ҳозир онам 62 ёшда, ўзини яхши ҳис қилади-ю, аммо, шифокорларнинг айтишича, остеопорозга чалинган, яъни суяклари мўртлашиб, салга синадиган бўлиб қолган экан.

Шифокорлар: “Агар у вақтида дори-дармонлар билан даволанганда, бу дардга йўлқмаслиги мумкин эди”, - дейишди. Мен 36 ёшдаман. Климаксдан кейин оғир асоратлар қолмаслиги учун ҳозирдан бошлаб нима қилишим керак?”

Гулсара ҲАСАНОВА,  
Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани.

Климакс даври бошланган аёллар ўзбилармонлик билан даволанмасликлари керак. Чиндан ҳам ҳаётда онада климакс қандай кечган бўлса, қизда ҳам шу тарзда кечиши мумкинлиги кузатилади. Зарур бўлган гормонларни (эстроген ва прогестерон) қандай қабул қилишни шифокорнинг ўзи аниқлаб беради. Агар климакс бошланиши билан аёлларда жинсий алоқага мойиллик йўқолса, бу гормонларга қўшимча тестостерон ҳам белгиланади. Булар эса климакс давридаги аёлнинг саломатлигини яхшилашга ёрдам беради. Эстроген айнан климаксдан кейин аёл танасидаги суякларнинг мўртлашувининг ва юрак тизими фаолиятидаги хавфли ўзгаришларнинг олдини олади.

6-8 соат турганидан кейин кун давомида овқатланишдан 20-30 минут олдин ичилса, оғрикли ҳайз кўришда шифо бўлади.

Эрмон ўти (полын) илдизини майдалаб, устига совуқ сув қуйилгач

ГУЛБАШАКАР ва ХУЛКАР тайёрлашди.

# КИМ ДИЛБАР-У,



ДАРОЗЛАР ИНЖИК БЎЛИШМАЙДИ

Бўйи икки метрдан зиёд бўлганлар кенг феъл ва кеचиримлидирлар. Улар ниҳоятда содда-жун, ишонувчан ва камтар бўладилар. Кўнглидаги бор гапни очик-ойдин айтиб қўя қоладилар. Фирромликни билмайдилар ва уларни осонликча алдаш ёки "чув" тушириш мумкин.

Лекин алданган тақдирларида ҳам жиноят қилиб ўтирмайдилар. Ҳамма ўй-эйтиборларини бўлиб ўтган воқеаларга эмас, балки бўлажак воқеаларга қарадилар. Ҳеч кимга гина сақламайдилар. Мана шу фазилатлари туфайли уларнинг омади чопади. Аммо камдан-кам ўзлари севиб турмуш қурадилар. Бу соҳада бошқаларнинг ёрдамига муҳтожлар. Кўп ҳолларда ишга овуниб вақтини ўтказиб қўядилар ва азбаройи оққўнгил эканликлари туфайли кўпинча алдовга учрайдилар. Шундай бўлса-да, назокат ва ифатни сақлайдилар. Ким билан турмуш қурмасинлар, қулдай хизматда бўладилар.

Бразилияда ва Венгрияда дароз хонимлар гўзаллик маликаси саналадилар. Улардаги назокатни самимий ва дилдан эканлиги эътироф этилган ҳамда уларнинг гўзаллиги беозор нулуфар гулига қиёсланади. Одатда дароз хонимлар ўртабўй йигитлар билан бахтли турмуш кеचирешар экан.

**НАЗОКАТИ АСИР ЭТАР**  
Бўйи 190 сантиметрдан икки метргача бўлган қизларнинг чеҳраси нурили бўлади. Шу боисдан арабларда буйдор қизлар қуёшга таққосланади. Чунки уларда кучли ва гўзал насл бериш хусусияти мавжуд деб қаралган.

Буйдор қизларнинг руҳияти соғломдир. Улар унча-мунча нарсага чалғимайдилар. Уларнинг қадр-қимматини билладилар ва асло ота-оналар измидан чиқмайдилар. Аммо қалбларида муҳаббат галаёни тинчлик бермайди. Қанчалик оғир-босиқ бўлишмасин, кўнгли розини барибир сездириб қўядилар. Уларнинг назокатини бир кўрган йигит ошиқ бўлмай қолмайди.

Буйдор қизлар одатда камгап бўладилар. Уларнинг юз қарашларидан, ҳатто табассумларидан кўп маънони ўқиб олиш мумкин. Эрга ва муҳаббатга садоқатлари баланд. Ҳатто касал ётсалар ҳам эрга хизмат қила олмаётганидан хижолат бўладилар. Фарзандлари ҳам меҳри баланддир.

Аммо оилада пала-партиш ишлар кўп бўлади. Тежамкорликни ўрнига қўя олмайдилар. Меҳнат қилишдан кўра кўпроқ хаёлий орзуларга гарқ бўлишни хуш кўрадилар. Бойлик-давлатга қаттиқ берилмайдилар. Уз кўргони ва содиқ ёри бўлса, бахтлидир.

Бундай қизларни халқимиз "новча" деб, атайдилар. Яъни "новча" қизлар содда ва тиришқокдилар. Ўзларига яхши устоз топа олсалар, ҳар қандай ишни қойилмақом қилиб бажаришлари мумкин. Таваккал қилиб чарчамайдилар ва таваккалчилик уларга кўп ҳолларда омадли келиши мумкин. Улар бир ишга уринганда, асло шаштидан қайтариб бўлмайдилар. Чунки ишга тўсқинлик қилганларни хушламайдилар.

Қаттиқ ишлайдилар-у, аммо одамларнинг кўнглини топишга унча моҳир эмаслар. Ҳаётда сабр-бардошли бўлишларига тўғри келади. Сабаби уларнинг пешонаси-га кўп тўсиқларни энгиш ёзилган.

Нима қилганда ҳам одамларга меҳр, оқибати баланд. Эрни беҳад ҳурмат қилади. Ўзига қарашга вақт топа олмас ҳам, эрнинг покиза кийинтиришга имкон топади. Катталарга ҳам ҳурмати зиёдадир.

Улардаги энг яхши фазилат-ҳаётдан нолимайдилар. Бориға шуқр қиладилар. Улар пазандаликда ҳам тенги йўқ маликадир. Эрлари уларнинг худди ана шу фазилатларини хуш кўрадилар ва қадрлайдилар.

**ЖАҲОННИ ҚОЙИЛЛАТГАН ГЎЗАЛЛАР**  
Бўйи 170 сантиметрдан 180 сантиметргача бўлганларни халқимиз "бўйчил" дейдилар. "Бўйчи" қизлар доворак, адолатпарвар, гўзал ва омадли бўладилар. Уларга ҳамма кийим бирдек ярашаверади. Унчалик майдагап эмаслар ва ҳаётда олдига қўйган мақсади сари қаттиқ интиладилар. Узининг одоб ва хусни-назоқати билан кўпларни ром эта оладилар.

Тангри уларга нозик дид ва буқилмас ирода ато этган. Биринчи ва иккинчи даражали ишларни яхши фарқлайдилар. Зиддиятлар қаршисида ўзини оқлаб ўтиришни хуш кўрмайдилар. Кўчада ҳамма ишларни нозик дид билан дангалига хал қила оладилар, уйда эса ўзининг аёллик бурчларини қойилмақом қилиб, эрнинг ҳурматини топа оладилар.

мохируна фойдалана оладилар. Азбаройи миннатсиз, очикқўнгилдилар. Мўжтожлардан ҳеч нимани аямайдилар. Баъзи тутумлари эркакча бўлгани билан аёллик шаънига ҳам асло доғ туширмайдилар. Инжиқликни ҳам мезёридан оширмайдилар.

**ЎЙГА ФАРИШТА КЕЛАР**  
Бўйи 160 сантиметрдан 170 сантиметргача бўлган қизларни халқимиз салгина «буйдорроқ», дейди. Бугунги кунда қизларнинг аксарияти ана шу - салгина буйдорроқ туркумига мансуб. Уларнинг қалбиде меҳр-оқибат кучли, қизиқишлари ранг-баранг. Тақдиротчиларнинг фикрича бойликка ружу қўядиганлари, инжиқлари 25-30 фойздан ошмайди.

Меҳнатқашлари-чи?! Бу соҳада анчагина ижобий хулосага келинган. Буйдорроқ қизларнинг аксарияти меҳнатдан қочмайдилар ва оила олдидаги масъулиятини тўғри тушунадилар. Диллари нозик ва муҳаббатда эҳтиёткордирлар. Оилада соғлом муҳитни қарор топтира оладилар. Бироқ келин танлашда қизларнинг бармоқларига эътибор бериш фойдадан холи бўлмайди. Бармоқлари узун ва раво бўлган қизлар меҳнатқаш, самимий ва содда-жўндирлар. Улар ишни биринчи ўринга қўядилар ва ўзлари ибрат кўрсата оладилар. Уйдаги тартиб-интизом ҳам кўпчиликдаги фойда бўлади. Улар билан бирга уйга фаришта келади. Самимий ва дилкашлиқлари туфайли ўз чиройларидан асло мағрурланмайдилар. Ҳаётдан тез сабоқ олишга ва тадбиркорликка мойиллар. Улардан баъзан одамнинг хаёлига келмаган фикрларни қутиш мумкин. Эрак оиласидан тамомила хотиржам бўлиши мумкин. Бу албатта оилавий бахт демакдир.

**ЎРТАБЎЙЛИК ҲИҚМАТИ**  
Бўйлари 150 сантиметрдан 160 сантиметргача бўлган қизлар одатда «ўртабўй» саналадилар. Улар ҳаётда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Шунга қарамай, уларга кучли ирода берилган. Олдиликларига аник мақсад қўйиб одимласалар, зўр иқтидор эгаси бўлиб танила оладилар. Аммо ҳаётда кўпроқ йиқилиб-туриб одимлайдилар ва тўғри сабоқ олишдан чарчамайдилар. Уларга тангри шундай фазилатни инъом этганки, меҳнатдан боши чиқмай яшасалар ҳам шуқр қиладилар ва фарзандларини азбаройи меҳнатқаш, одобли қилиб вояга етказадилар.

Барибир ўртабўйликда ҳиқмат кўп. Дунёдаги энг нодир ва кутилмаган янгиликлар, ихтиролар ўртабўйилар томонидан яратилади.

Рўзгор ишларида ҳам моҳирдилар. Фақат уларнинг феъл-атворини тушуниб, қўллаб-қуватлаб туришга тўғри келади. Салгина нарсадан руҳланиб кетишлари мумкин. Улар учун энг муҳими-оила тинчлиги. Эрнинг хошияга қараб иш тутадилар. Умр бўйи тилла тақинчоқларга етиша олишмаса ҳам ўзларини бахтли санайдилар. Бироқ рақиблари бўлса, уларнинг фикрини осонгина ўзгартира оладилар. Улар орасида тишлари майда, сочи майин ва сарикроқ, кўзлари қўйқўз бўлганлари ҳар ишда зийраклик, уddaбуронлик кўрсата оладилар. Зийраклик эса оиладаги яхши муҳит учун кафолатдир.

Бўйи 150 сантиметрдан паст бўлганлар ҳам асло ўқсимасинлар. Тилларини гийбатдан, дилларини эгриликдан тийиб, ниятни холис сақласалар, бахтлари албатта беназир бўлур. Ҳамма инсонларга Тангрининг қарами кенг.

Комилжон тайёрлади.

Ҳамманинг бўйи ҳар хил. Масалан, хитойлик Цзин Цзо исмли ўн тўққиз ёшли хонимнинг бўйи 2 метру 31 сантиметр. Унча-мунча йигит у билан бўйлаша олмайди. Дунё бўйича эса бундай дароз хонимларнинг сони ортиб бораётгани аниқланмоқда. Гап шундаки, одамнинг феъл-атвори унинг бўйига бевосита боғлиқ бўлар экан. Марҳамат, танишинг...

# КИМ ИНЖИК

Қадимда бўйчил аёллар Мисрни, Румни адолатли бошқарганлар. Англияда энг адолатли ва тинчликсевар премьер министр деб тан олинган Маргарет Тетчер ўз халқининг катта ишончига сазовор бўлди. Фарб тақдиротчиларнинг фикрича таянадиган бўлсак, агар унинг бўйи 176 сантиметрдан битта гугуртнинг қути-си баравар паст бўлганида, бунчалик шуқрат қозонолмас эди.

Бўйчил қизлар вафодордилар ва вафодорликни юксак қадрлайдилар. Уларга шароит яратилса, оилани бадавлат қилишга ўзини ҳам, эрнини ҳам сафарбар эта оладилар. Фикрли ва шоирона қалба эга. Бошқалар айтган фикрдан

қочмайдилар ва оила олдидаги масъулиятини тўғри тушунадилар. Диллари нозик ва муҳаббатда эҳтиёткордирлар. Оилада соғлом муҳитни қарор топтира оладилар. Бироқ келин танлашда қизларнинг бармоқларига эътибор бериш фойдадан холи бўлмайди. Бармоқлари узун ва раво бўлган қизлар меҳнатқаш, самимий ва содда-жўндирлар. Улар ишни биринчи ўринга қўядилар ва ўзлари ибрат кўрсата оладилар. Уйдаги тартиб-интизом ҳам кўпчиликдаги фойда бўлади. Улар билан бирга уйга фаришта келади. Самимий ва дилкашлиқлари туфайли ўз чиройларидан асло мағрурланмайдилар. Ҳаётдан тез сабоқ олишга ва тадбиркорликка мойиллар. Улардан баъзан одамнинг хаёлига келмаган фикрларни қутиш мумкин. Эрак оиласидан тамомила хотиржам бўлиши мумкин. Бу албатта оилавий бахт демакдир.



Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Оила ва жамият**  
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00  
Газета таҳририят компьютер басасида терилди ва саҳифаланди.  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси**  
**ОБУНА ИНДЕКСИ - 176**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳаҳми 4 табоқ.  
Адади - 16145  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ  
Рассом — Н. ХОЛМУРДИНОВ  
Навбатчи — С. ФАХРИДИНОВА  
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ